Ушбу мақолада минимал миқдордаги параметрлардан фойдаланган ҳолда табиий ортогонал функциялар тизими бўйича ҳарорат ёйилмасининг информацион мазмунини баҳолаш мақсадига, 37,5°-47,5° ш.к. ва 55,0°-75,0° ш.у. билан чегараланган ҳудуд учун ер усти ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг ECMWF ERA-40 реанализ маълумотларидан фойдаланилган. Ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг фазовий корреляция матрицалари, уларнинг хусусий қийматлари ва хусусий векторлари олинган, ёйишнинг яқинлаиши тезлиги, ўртача ойлик ҳаво ҳарорати майдонининг асосий компонентлари билан бошланғич майдон орасидаги корреляцион алоқа баҳоланган. Ўзбекистон ҳудудида 1954 йилдан 1986 йилгача ҳамда 1987 йилдан 2018 йилгача вақт қаторлари бўйича ҳар бир ой учун ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг дисперсиялари, ўртача қийматлари ва биринчи табиий компонентлари тақсимоли ҳавола этилган.

Калит сўзлар: ўртача ойлик ҳарорат, корреляция матрицаси, хусусий қийматлар, хусусий векторлар, асосий компонентлар, ёйиш коэффицентлари, яқинлаиши тезлиги.

EXPANSIONS OF ANOMAL FIELDS OF THE MONTHLY MEAN TEMPERATURE IN NATURAL ORTHOGONAL FUNCTIONS USING REANALYSIS DATA ON THE TERRITORY OF UZBEKISTAN AND NEIGHBORING COUNTRIES**M.L. ARUSHANOV¹, A.I. VDOVENKO²**¹ Hydrometeorological Research Institute, mikl-arushanov@rambler.ru² Center of Hydrometeorological Service of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *In meteorology, the decomposition of meteorological fields into fixed functions (spherical, trigonometric functions, Fourier series, etc.) is widely used to solve problems of objective analysis, numerical modeling and forecasting. Particular attention, starting with the works of N.A. Bagrov, A.M. Obukhov, is given to the expansion in terms of a system of natural orthogonal functions (EOF). The initial data for the decomposition of meteorological fields are, as a rule, the data of the ground-based meteorological observation network. Since the 90s of the last century, the data of all available meteorological measurements have been assimilated onto a regular latitude-longitude grid in the form of reanalyses. These data, obtained as agreement of all available observation methods, seem to be quite reliable in terms of their accuracy. This article uses the ECMWF ERA-40 reanalysis data of the average monthly surface air temperature for the territory bounded by latitudes 37.5°-47.5° N. and longitudes 55.0°-75.0° E, in order to assess the information content of the temperature expansion according to the system of natural orthogonal functions using the minimum number of parameters. The spatial correlation matrices of the average monthly air temperature, their eigenvalues and eigenvectors were obtained, estimates of the rate of convergence of the expansion, the correlation between the main components of the average monthly temperature field and the initial field were made. Distributions of dispersions, mean values and first natural components of mean monthly air temperature in Uzbekistan for each month of the year are presented for samples from 1954 to 1986 and from 1987 to 2018.*

Keywords: *monthly average temperature, correlation matrix, eigenvalues, eigenvectors, principal components, expansion coefficients, convergence rate.*

REFERENCE

Arushanov M.L. Vosstanovlenie poley prizemnogo davleniya i geopotentsiala na AT-500 po dannim o tipe i kolichestve oblachnosti s pomozchyu estestvennih ortogonalnih funktsiy [Reconstruction of the surface pressure and geopotential fields on the AT-500 from data on the type and amount of cloudiness using natural orthogonal functions] // Tr. SANII, Vip. 85(166). – 1983. – S. 39-49. (in Russian)

Arushanov M.L. Issledovanie prostranstvenno-vremennoy strukturi polya oblachnosti nad yuzhnoy terrytoriey Sredneaziatskogo regiona [Investigation of the spatial-temporal statistical structure of the cloudiness field over the southern territory of the Central Asian region] // Tr. SANII, Vip. 85(166). – 1983. – S. 24-38. (in Russian)

Bagrov N.A. Analiticheskoe predstavlenie poley [Analytical view of fields] // Tr. TsIP, Vip. 64. – 1958. – S. 3-18. (in Russian)

Gantmakher F.R., Kreyn M.G. Ostsillyatsionnie matritsi i yadra i malie kolebaniya mehanycheskih sistem [Oscillatory matrices and nuclei and small vibrations of mechanical systems]. – M.: Gosteizdat. – S. 1950. – 420. (in Russian)

Demmel J. Vichislitel'naya lineynaya algebra [Computational Linear Algebra.] – M.: MIR, 2001. – 410 s. (in Russian)

Martemyanov V.I., Ovchinnikova L.P. O predstavlenii vertikalnogo profilya geopotentsiala i temperaturi na nekotoryh stantsiyah severnogo polushariya s pomozchyu sistemi sobstvennih vektorov [On the representation of the vertical profiles of the geopotential and temperature at some stations in the Northern Hemisphere using the system of eigenvectors] // Tr. SANIGMI, Vip. 29 (44). – 1967. – S. 8-19. (in Russian)

Meshcherskaya A.V., Rukhovets L.V., Yudin M.I., Yakovleva N.I. Yestestvennie sostavlyashie meteorologicheskikh poley [Natural components of meteorological fields]. – L.: Gidrometeoizdat. – 1970.

– 199 s. (in Russian)

Meshcherskaya A.V. and Klyukvin L.N. O razlozhenii poley anomalii sredney mesyachnoy temperaturi [On the expansion of the fields of the anomaly of the mean monthly temperature in terms of natural orthogonal functions] // Tr. GGO, Vip. 201. – 1968. – S. 14-51. (in Russian)

Obukhov A.M. O statisticheski ortogonalnih razlozheniyah empiricheskikh funktsiy [On statistically orthogonal expansions of empirical functions] // Izvestiya AN SSSR. Seriya geofizicheskaya. – 1960. – No. 3. – S. 432-439. (in Russian)

Fadeev D.K., Fadeeva V.N. Vichislitelnie metodi lineynoy algebr [Computational methods of linear algebra]. – M.: Izd-vo FM literaturi. – 1962. – 734 s. (in Russian)

УДК: 551.586

БУХОРО ШАҲРИНИНГ БИОИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИ

Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2*}, С.У. БЕГМАТОВ²

¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, b.xolmatjanov@nuu.uz

² Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, sardor0752@gmail.com

Аннотация: Бухоро метеорология станциясида 2009-2018 йй. кузатиш маълумотларини статистик қайта ишлаш асосида ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициентидан фойдаланиб кўп йиллик ўртача биоиклимий шароитларнинг вақт бўйича ўзгариш хусусиятлари аниқланган. Сайёҳларни биоиклимий маълумотлар билан таъминлаш мақсадида иссиқлик ҳиссиёти, об-ҳаво шароитларининг эстетик (булутлилик ва нисбий намлик) ва физикавий (димқиш, ёгингарчилик, шамол) ташиқил этувчиларини акс эттирувчи “Иқлимий-туристик ахборот схемаси” ҳавола қилинди.

Калит сўзлар: Бухоро шаҳри, ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти, биоиклимий шароитлар, иссиқлик ҳиссиёти, “Иқлимий-туристик ахборот схемаси”

Кириш. Бухоро – жаҳоннинг энг қадимий ва тарихий-меъморий обидаларга бой шаҳарларидан бири ҳисобланади. 1996 йилда Бухоро ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси ҳисобланувчи шаҳарлар сафига киритилганлиги ва муҳофазага олганлиги эълон қилинди. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи халқаро миқёсда нишонланди. Кўхна Бухорода кўкка бўй чўзган миноралар, обида-ю кадамжолар, осору антиқалар аجدодларимиз ақл-заковатини намойиш қилади. Бухоро Шарқу Фарбда “очик осмон остидаги музей, шавкатли тарихнинг жилвакор кўзгуси” деган фахрли номга ҳам эга. Бухоро Аркида нафақат ҳукмдор амирлар, балки буюк олимлар, шоиру файласуфлар ҳам яшаб, ижод қилиб, авлодларга бебаҳо мерос қолдирган. Бухоро маданияти энг юксалган ўрта асрларда Аркда Рудакий, Фирдавсий, Абу Али Ибн Сино, Фаробий, Умар Хайём каби буюк мутафаккирлар яшаган. Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом маданияти ривожига алоҳида ўрин тутди. Ислом оламидаги тўрт шариф саналган шаҳарлардан бири Бухородир. Шарқда қадимдан “Самарқанд сайқали рўи замин аст, Бухоро қуввати дини ислом аст”, деб бежиз айтилмаган [Дунё...2020].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларга мувофиқ Бухоро

* Масъул муаллиф: b.xolmatjanov@nuu.uz, тел.: +998 99 878-51-27

шаҳридаги собиқ “Шаҳристон” бозори худудида хунармандлар марказини куриш, муқаддас қадамжолар – Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Чорбакр мажмуаларида кенг қўламли курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Худуднинг туристик салоҳиятини янада кенгрок тарғиб қилиш мақсадида “Ипак ва зираворлар”, “Бухоро шаҳри куни”, “Қовун сайли” ва “Бухоро хунармандлари” фестиваллари ташкил этилмоқда. [Дунё...2020].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш концепцияси ва чора-тадбирлар режасини муваффақиятли амалга оширишда худудларнинг биоиклимий шароитларини баҳолаш алоҳида долзарбликка эга. Дунё миқёсида содир бўлаётган иклим ўзгариши шароитларида юқорида номлари қайд этилган туристик тадбирларни самарали ташкил этиш учун туристик дестинацияларда мавжуд биоиклимий шароитлар албатта эътиборга олинаши зарур.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Бухоро метеорология станциясининг сўнгги йиллардаги кузатиш маълумотлари асосида Бухоро шаҳрининг биоиклимий шароитларни тавсифлаш тадқиқотнинг **мақсади**, иклимий тавсифни тузиш учун метеорологик кузатув маълумотларини статистик қайта ишлаш, ҳаво қурғоқчилиги термогигрометрик коэффициенти (ТГК) асосида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг тақсимотини тадқиқ этиш ҳамда уларни сайёҳларга ҳавола қилиш тадқиқотнинг **вазифаси** ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Бухоро шаҳри тадқиқотнинг **объекти**, унинг биоиклимий шароитлари эса тадқиқотнинг **предмети** ҳисобланади.


Бирламчи маълумотлар. Тадқиқот ишини бажаришда Ўзгидрометнинг Гидрометеорология фондида сақланаётган денгиз сатҳидан 225 м баландликда жойлашган Бухоро метеорология станциясида 2009-2018 йилларда кузатилган метеорологик маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида иклимий тавсифлаш ҳаво ҳарорати ва намлиги, булутли ва қуёшли кунлар, ёгинлар миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши тўғрисидаги муддатли кузатув маълумотларини Жаҳон метеорология ташкилоти томонидан тавсия этилган статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш асосида бажарилди [Sneyers, 1990] Бухоро шаҳрида шаклланувчи иссиқлик ҳиссиёти шароитларини баҳолашда Ю.В.Петров ва А.Қ.Абдуллаевлар томонидан таклиф этилган ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициентидан фойдаланилди [Petrov, Abdullaev, 2010; Холматжанов ва бошқ., 2020, 2021; Kholmatjanov et al., 2020]. “Иклимий-туристик ахборот” схемаси туризм учун метеорологик хизмат кўрсатиш бўйича илғор жаҳон тажрибаси асосида тузилди [Daneshvar et al., 2013; Çalişkan et al., 2013; Matzarakis, 2014].

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Бухоро метеорология станциясининг 2009-2018 йиллардаги 10 йиллик кузатув маълумотлари асосида иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг кўп йиллик ўртача қийматлари тақсимоти, уларнинг сутка ва йил ичидаги ўзгаришлари аниқланди ҳамда ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, атмосфера ёгинлари, булутлилик ва шамол тезлиги маълумотлари статистик қайта ишланиб, шаҳарнинг иклимий шароитлари баҳоланди.

Кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёгинлари миқдорининг йил ичидаги тақсимоти таҳлили Бухорода энг иссиқ ой июль ($30,0^{\circ}\text{C}$), энг совуқ ойлар декабрь ва январь ($2,5^{\circ}\text{C}$) эканлигини кўрсатди. Тадқиқ этилаётган даврда кўп йиллик ўртача йиллик ҳарорат $15,9^{\circ}\text{C}$ ташкил этган (1-расм). Бухорода кўп йиллик ўртача йиллик атмосфера ёгинлари миқдори $137,3$ мм ни ташкил этиб, февраль ва март энг серёгин ойлар

хисобланади. Кўп йиллик ўртача ҳисобда бу ойларда Бухорода мос равишда 33,3 мм ва 31,0 мм миқдорда атмосфера ёғинлари қайд этилган (1-расм).




1-расм. Бухоро метеорология станциясида кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳарорати (T, °C) ва атмосфера ёғинлари миқдорининг (R, мм) йил ичидаги тақсими (2009-2018 йй.)

Рис. 1. Внутригодовое распределение многолетней средней месячной температуры воздуха (T, °C) и атмосферных осадков (R, мм) на метеорологической станции Бухара (2009-2018 гг.)

Fig. 1. Intra-annual distribution of long-term mean monthly air temperature (T, °C) and precipitation (R, mm) at the Bukhara meteorological station (2009-2018)

Кўп йиллик ўртача ёғинли кунлар сони ва атмосфера ёғинлари миқдорининг йил ичидаги ўзгаришини декадалик маълумотлар асосида таҳлил қилинди (2-расм). Бухоро станциясида февраль ва апрель ойларида ёғинли кунлар сони декада давомида 2 кунгача етади. Қолган ойларда ўртача 1-1,5 кунни ташкил этиб, ёз ойларида деярли кузатилмайди. Декада давомида 10 мм, яъни суткада ўртача 1 мм дан кўп атмосфера ёғинлари ноябрь ойининг учинчи декадаси ва февраль-апрель ойларида кузатилади. Июнь ойидан октябрь ойигача атмосфера ёғинлари декада давомида 1 мм дан ортмайди.



2-расм. Бухоро метеорология станциясида кўп йиллик ўртача ёғинли кунлар сони ва атмосфера ёғинлари миқдорининг (R, мм) йил ичидаги ўзгариши (2009-2018 йй.)

Рис. 2. Внутригодовое изменение многолетнего среднего числа дней с осадками и их количества (R, мм) на метеорологической станции Бухара (2009-2018 гг.)

Fig. 2. Intra-annual change in the long-term average number of days with precipitation and their quantity (R, mm) at the Bukhara meteorological station (2009-2018)

Инсон организмда димиқиш ҳолатининг юзага келиши об-ҳаво шароитларининг физикавий ташкил этувчилари қаторига кирувчи сув буғининг парциал босими билан тавсифланади. Бухорода кўп йиллик ўртача сув буғи парциал босимининг энг кичик қийматлари (5,4-5,5 гПа) қиш ойларида, энг катта қийматлари (10,4 гПа) ёз ойларида қайд этилган. Кўп йиллик ўртача ҳисобда йил давомида Бухоро станцияси жойлашган ҳудудда инсон организмда димиқиш ҳолатлари кузатилмади. Эстетик ташкил этувчи бўлган нисбий намликнинг йил давомидаги минимал қийматлари (26,0-27,5%) ёз ойларида, максимал қийматлари эса (72,1-72,5%) қиш ойларида кузатилади (3-расм).



3-расм. Бухоро метеорология станциясида кўп йиллик ўртача ойлик сув буғи парциал босими (e, гПа) ва нисбий намликнинг (f, %) йил ичидаги тақсимоти (2009-2018 йй.)


Рис. 3. Внутригодовое распределение многолетней средней месячной давления водяного пара (e, гПа) и относительной влажности (f, %) на метеорологической станции Бухара (2009-2018 гг.)

Fig. 3. Intra-annual distribution of long-term mean monthly water vapor pressure (e, hPa) and relative humidity (f, %) at the Bukhara meteorological station (2009-2018)

Кўп йиллик ўртача булутли ва қуёшли кунлар сонининг йил ичидаги ўзгариши диаграммаси 4-расмда келтирилган. Октябрнинг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб Бухорода булутли кунлар сони ортиб боради. Энг кўп булутли кунлар сони (3 ва ундан кўп) қиш ойларида тўғри келади. Июлдан сентябрнинг учинчи ўн кунлигигача бўлган даврда булутли кунлар деярли кузатилмади. Қуёшли кунлар сони (булутлилик 0 балл) январь-май оралиғида ўртача 5-6 кун давомийликка эга бўлиб, майнинг учинчи ўн кунлигидан бошлаб кескин ортиб боради ва август-сентябрда декадада 8-9 кунгача қийматни ташкил этади. Октябрнинг учинчи ўн кунлигидан бошлаб қуёшли кунлар сони аста-секин камайиб, декабрда бундай кунлар сони 6 кун атрофида бўлади (4-расм).

Бухоро метеорология станциясида йилнинг совуқ даврида асосан шимолий йўналишдаги шамол устуворлик қилса-да, шарқий ва жанубий йўналишдаги шамолларнинг ҳиссалари ҳам катта. Йилнинг илиқ даври учун асосий шамол йўналиши шимолий ҳисобланади. Флюгер баландлигидаги ўртача шамол тезлиги 2,0-4,0 м/с дан ортмайди (5-расм).

Бухоро метеорология станцияси кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган ТГК кўп йиллик ўртача қийматларининг сутка давомидаги ўзгаришларини таҳлил қилинди. 6-расмда ТГК асосида аниқланган иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил мавсумларининг ўрта ойлари учун тақсимот графикалари келтирилган.




4-расм. Бухоро метеорология станциясида кўп йиллик ўртача булутли ва қуёшли кунлар сонининг йил ичидаги ўзгариши (2009-2018 йй.)


Рис. 4. Внутригодовое изменение многолетнего среднего числа облачных и солнечных дней на метеорологической станции Бухара (2009-2018 гг.)

Fig. 4. Intra-annual change in the long-term average number of cloudy and sunny days at the Bukhara meteorological station (2009-2018)


Январь




Апрель



Июль



Октябрь




5-расм. Бухоро метеорология станцияси учун шамол гули (2009-2018 йй.)

Рис. 5. Роза ветров на метеорологической станции Бухара (2009-2018 гг.)

Fig. 5. Wind rose at the Bukhara meteorological station (2009-2018)

Бухоро метеорология станциясида иссиқлик ҳиссиёти шароитлар кўп йиллик ўртача суткалик тақсимотининг таҳлили январь, февраль ва март ойларда иссиқлик

хиссиётининг 1- ва 2-зоналари, яъни “ўта совуқ” ва “совуқ” шароитлар, апрель ойида эса 3-зона “комфорт” шароити юзага келишини кўрсатди. Май ойидан бошлаб, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши билан, станцияда 3- ва 4-зона “нисбий комфорт” шароитларининг улуши ортади. Ёз ойларига келиб, кундузги муддатларда 4-зона, тунги ва эрталабки соатларда эса 3-зона шароитлари ҳукмронлик қилади. Сентябрьда кундузги муддатларда 3-зона “комфорт” ва 4-зона шароитлари асосий устуворликка эга бўлса-да, станцияда 2-зона (совуқ)нинг тақрорланувчанлиги кузатилади. Октябрь ойида 1- ва 2-зона шароитларининг тақрорланувчанлиги юкори, кундузги муддатларда 3-зона шароитлари ҳам кузатилади. Қолган ойларда Бухорода сутка давомида 1-зона “ўта совуқ” ва 2-зона “совуқ” шароитлари ҳукмронлик қилади.



6-расм. Бухоро шаҳрида кўп йиллик ўртача иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг сутка ичидаги ўзгариши (2009-2018 йй.)

1 – ўта совуқ, 2 – совуқ, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ


Рис. 6. Суточный ход многолетних средних условий теплового ощущения в городе Бухара (2009-2018 гг.)

1 – очень холодно, 2 – холодно, 3 – комфорт, 4 – относительный комфорт, 5 – жарко, 6 – очень жарко

Fig. 6. Diurnal variation of long-term average conditions of thermal sensation in the Bukhara city (2009-2018)

1 – very cold, 2 – cold, 3 – comfort, 4 – relative comfort, 5 – hot, 6 – very hot

Бухоро метеорология станцияси кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган ТГК кўп йиллик ўртача қийматларининг йил ичидаги ўзгаришлари таҳлили кўрсатадики, Бухорода иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг тақсимотида соат 20.00, 23.00, 02.00 ва 05.00 да киш ойларида “ўта совуқ” (1-зона), баҳор ва куз ойларида 2-зона (совуқ) ва 3-зона (комфорт) шароитлари қайд этилади. Ёз ойларида 4-зона (нисбий комфорт) шароитлари устуворликка эга (7-расм). Соат 08.00, 11.00, 14.00 ва 17.00 даги кузатув муддатларда июнь, июль ойларида асосан 4-зона (нисбий комфорт) шароитлари кузатилади. Ўтиш ойларида сутка давомида 2-зона, йилнинг совуқ ярим йиллиги ойларида эса 1-зона шароитлари устуворлик қилади.



7-расм. Бухоро шаҳрида кўп йиллик ўртача иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги ўзгариши (2009-2018 йй.)

1 – ўта совуқ, 2 – совуқ, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ


Рис. 7. Внутригодовое изменение многолетних средних условий теплового ощущения в городе Бухара (2009-2018 гг.)

1 – очень холодно, 2 – холодно, 3 – комфорт, 4 – относительный комфорт, 5 – жарко, 6 – очень жарко

Fig. 7. Intra-annual change in long-term average conditions of thermal sensation in the Bukhara city (2009-2018)

1 – very cold, 2 – cold, 3 – comfort, 4 – relative comfort, 5 – hot, 6 – very hot

Бухоро станциясида иссиқлик шароитларининг тақсимотини миқдорий баҳолаш мақсадида ҳар бир кузатиш муддатларида тадқиқот даври мобайнида қайд этилган барча комфорт шароитларининг фоизларда ифодаланган такрорланувчанлиги ҳар бир ойнинг декадалари кесимида ҳисобланди (8-расм).



8-расм. Бухоро шаҳрида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг кўп йиллик ўртача декадалик такрорланувчанлиги, % (2009-2018 йй.)

1 – ўта совуқ, 2 – совуқ, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ

Рис. 8. Многолетняя средняя декадная повторяемость условий теплового ощущения в городе Бухара, % (2009-2018 гг.)

1 – очень холодно, 2 – холодно, 3 – комфорт, 4 – относительный комфорт, 5 – жарко, 6 – очень жарко


Fig. 8. Long-term average decade probability of thermal sensation conditions in the Bukhara city, % (2009-2018)

1 – very cold, 2 – cold, 3 – comfort, 4 – relative comfort, 5 – hot, 6 – very hot

Ҳисоблаш натижаларининг кўрсатишича, Бухоро станциясида киш ойларида 1-зона (ўта совуқ) ва 2-зона (совуқ) шароитлари устуворлик қилсада, 3-зона (комфорт) шароитлари ҳам кузатилиб, сутка давомида 5% дан 15% гача такрорланувчанликка эга. Мартдан бошлаб 1-зона (ўта совуқ) ва 2-зона (совуқ) шароитларининг такрорланувчанлиги бироз камайиб (70-80% оралиғида), кундузги муддатларда ҳам уларнинг такрорланувчанлиги юқориликча қолади. Бу ойнинг биринчи декадасида соат 11.00 да 1-зонанинг такрорланувчанлиги ўртача 55%, 14.00 ва 17.00 да – 60% атрофида. Шу билан бирга мартнинг биринчи декадасидан бошлаб 3-зона (комфорт) шароитлари ҳам 25-30% такрорланувчанлик билан қайд этилади. Апрельнинг биринчи декадасида 1-зона (ўта совуқ) ва 2-зона (совуқ) шароитлари мос равишда сутка давомида ўртача 30-40% ва 30-35% такрорланувчанликка эга бўлиб, бу ойнинг кейинги декадаларида уларнинг такрорланувчанлиги камайди. 3-зона (комфорт) шароитларининг такрорланувчанлиги мос равишда биринчи декадада 20-30% ни ташкил этиб, кейинги декадаларда 3-зона такрорланувчанлиги ортиб боради. Май ойида 3-зона (комфорт) ва 4-зона (нисбий комфорт) шароитлари устуворлик қилади (мос равишда 30-35% ва 60-65%) ва 5-зона (иссиқ) шароитлари ҳам кузатилади. Ёз ойларида Бухоро станциясида 3-зона (комфорт), 4-зона (нисбий комфорт) ва 5-зона (иссиқ) шароитларининг такрорланувчанлиги кундузги муддатларда энг катта қийматларга эга бўлиб, яққол ифодаланган суткалик ўзгаришга эга. Соат 11.00, 14.00 ва 17.00 да бу зона шароитларининг такрорланувчанлиги 95% гача ҳолатларни ташкил этади. Июль ойида 6-зона (ўта иссиқ) шароитлар ҳам кузатилади (15-20%). Сентябрьдан бошлаб, ҳаво ҳароратининг пасайиши билан, иссиқлик comfortи зоналарининг тақсимида 4-зона (нисбий комфорт) ва 5-зона (иссиқ) шароитларининг такрорланувчанлиги камайиши, 3-, 2- ва 1-зоналар такрорланувчанлигининг эса аста-секин ортиши кузатилади. Бу ўзгаришлар сутка давомида нотекис тақсимотга эга бўлади. Кундузги ва кечки кузатув муддатларида (соат 11.00 дан 20.00 гача) бу ойда 3-зона шароитларининг такрорланувчанлиги 25-30%, 1-зона (ўта совуқ) ва 2-зона (совуқ) шароитларининг такрорланувчанлиги 75-85% чегараларида ўзгаради. Тунги ва эрталабки соатларда 1- ва 2-зоналар шароитлари устуворлик қилади (мос равишда 55-65% ва 15-20%). Октябрь-ноябрь ойлари 3-зона (комфорт) такрорланувчанлигининг кескин камайиши, 1-зона (ўта совуқ) ва 2-зона (совуқ) шароитлари такрорланувчанлигининг эса ортиб бориши билан тавсифланади. Ноябрьнинг учинчи декадасига келиб сутка давомида 3-зонанинг такрорланувчанлиги 5-10%, 2-зонанинг такрорланувчанлиги 25%, 1-зонанинг такрорланувчанлиги эса 60-75% оралиғида ўзгаради (8-расм).

Олинган натижалар умумлаштирилиб, Бухоро метеорология станцияси учун кўп йиллик ўртача биометеорологик шароитларни иссиқлик comfortи, об-ҳаво шароитларининг эстетик ва физикавий ташкил этувчиларининг декадалар бўйича тақсимланиши орқали акс эттирувчи “Иқлимий-туристик ахборот схемаси” тузилди (9-расм). Октябрнинг учинчи декадасидан бошлаб апрелнинг иккинчи декадасигача бўлган даврда Бухоро станциясида совуқлик стресси шароитларининг юзага келиш такрорланувчанлиги 50% дан юқорини ташкил этади (9а-расм). Бу давр сайёҳлар учун ҳам совуқлик стресси, ҳам термик комфорт кўрсаткичлари бўйича “ўта ноқулай”, “жуда ноқулай” ва “ноқулай” даражаларга мос келади ва ҳаво ҳароратининг паст қийматлари билан изоҳланади. Қолган ойларида совуқлик стресси шароитларининг такрорланувчанлиги деярли кузатилмайди (9б-расм). Апрельнинг иккинчи декадасидан майнинг охиригача ва августнинг иккинчи декадасидан октябрнинг учинчи декадасига бўлган вақт оралиғида термик комфорт нуктаи назаридан “қулай”дан “идеал”гача шароитлар юзага келади. Бу даврлар оралиғидаги “жуда ноқулай” ва “ўта ноқулай” шароитлар ҳаво ҳароратининг юқорилиги билан изоҳланиб, иссиқлик стресси кўрсаткичи бўйича июль ойида энг ноқулай шароитлар қайд этилади (9б-расм).

Эстетик ташкил этувчи – 5 баллдан юқори булутлилик кузатилган кунлар бўйича йил давомида “кулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар қайд этилади. Нисбий намлик 93% дан юқори бўлган кунларнинг такрорланувчанлиги 25% дан кам (9а-расм), бу эса сайёҳлар учун қулайлик даражалари бўйича “жуда қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитларни таъминлайди (9б-расм). Инсон организмга таъсир кўрсатувчи об-ҳавонинг физикавий ташкил этувчилари – сув буғи босими 18 гПа дан юқори бўлган кунлар, ёғинларсиз ва ёғинли кунлар ($R > 5$ мм) ҳамда флюгер баландлигидаги шамол тезлиги $V > 8$ м/с дан катта бўлган кунлар сони бўйича ҳам Бухоро станциясида “жуда қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар йил давомида кузатилади (9б-расм).



9-расм. Бухоро учун “Иқлимий-туристик ахборот схемаси”

а) такрорланувчанлик, %, б) қулайлик даражалари

Рис. 9. «Климатическая-туристская информационная схема» для Бухары

а) повторяемость, %, б) степень благоприятности

Fig. 9. Bukhara’s “Climate-Tourism-Information-Scheme”

а) probability, %, б) suitability

Шундай қилиб, Бухоро шаҳрида туристик нуқтаи назардан энг қулай бўлган давр апрелнинг иккинчи декадасидан май ойининг охиригача (қора тўртбурчак билан белгиланган 1-оралиқ) ҳамда август ойининг иккинчи декадасидан октябрь ойининг учинчи декадасигача (қора тўртбурчак билан белгиланган 2-оралиқ) бўлган вақт оралиқларида қайд этилиши аниқланди (9б-расм).

Хулоса. Бухоро шаҳрида тадқиқ этилаётган даврда кўп йиллик ўртача йиллик ҳарорат $15,9^{\circ}\text{C}$, кўп йиллик ўртача йиллик атмосфера ёғинлари миқдори 137,3 мм ни ташкил этган. Энг иссиқ ой июль ($30,0^{\circ}\text{C}$), энг совуқ ойлар декабрь ва январь ($2,5^{\circ}\text{C}$) ҳисобланади. Кўп йиллик ўртача ҳисобда февраль ва март энг серёгин ойлар бўлиб, бу

ойларда Бухорода мос равишда 33,3 мм ва 31,0 мм миқдорда ёғинлар қайд этилган. Кўп йиллик ўртача ҳисобда йил давомида Бухоро станцияси жойлашган ҳудудда инсон организмида димиқиш ҳолатлари кузатилмайди. Энг кўп булутли кунлар сони (3 ва ундан кўп) январь-апрель оралиғига тўғри келади. Июлдан сентябрнинг учинчи ўн кунлигигача бўлган даврда булутли кунлар деярли кузатилмайди. Қуёшли кунлар сони (булутлилик 0 балл) январь-май оралиғида ўртача 5-6 кун, июль-сентябрь оралиғида эса 9 кундан ортиқ давомийликка эга бўлади. Бухоро метеорология станциясида йилнинг совуқ даврида асосан шимолий йўналишдаги шамоллар устуворлик қилса-да, шарқий ва жанубий йўналишдаги шамоллар ҳам етарлича катта ҳиссасига эга. Йилнинг илиқ даврида Бухорода асосан шимолий йўналишдаги шамол устуворлик қилади. Флюгер сатҳидаги ўртача шамол тезлиги 2,0-4,0 м/с дан ортмайди. Туристик тадбирлар учун энг қулай бўлган давр апрелнинг иккинчи декадасидан май ойининг охиригача ҳамда август ойининг иккинчи декадасидан октябрь ойининг учинчи декадасигача бўлган вақт оралиқларига тўғри келади.

Муаллифлар ҳиссаси. Б.М. Холматжанов: мақола ғояси, методология, натижалар таҳлили, натижаларни текшириш, раҳбарлик. **С.У. Бегматов:** маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. Муаллифлар қўлёзманинг нашрга тавсия этилган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розилиklarини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Петров Ю.В., Абдуллаев А.К. К вопросу оценки сухости воздуха // Метеорология и гидрология. – М.: НИЦ «Планета», 2010. – № 10, – С. 90-95.

Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Абдикулов Ф.И., Абдикулова М.Р., Сайтиддинов З.Ф., Махмудов М.М., Халматжанов Ф.М. Условия теплового комфорта города Ташкент // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. №2. 2020. – Б. 74-82.

Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Абдикулов Ф.И. Имом ал-Бухорий мажмуаси ҳудудининг биоиклимий шароитлари // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги. №2. 2021. – Б. 19-31.

Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Бегматов С.У. Хива шаҳрининг биоиклимий шароитлари // Физика фанининг ривожиди истеъдодли ёшларнинг ўрни (РИАК-ХИВ-2021) Республика илмий анжумани материаллари (Тошкент, 2021 йил 26-27 март). 1-том. – Б. 95-98.

Daneshvar M.R.M., Bagherzadeh A., Tavousi T. Assessment of Bioclimatic Comfort Conditions based on Physiologically Equivalent Temperature (PET) using the RayMan Model in Iran // Cent. Eur. J. Geosci., 2013, 5(1). – PP. 53-60. DOI: 10.2478/s13533-012-0118-7.

Kholmatjanov B.M., Petrov Yu.V., Abdikulov F.I., Abdikulova M.R., Saypiddinov Z.F., Makhmudov M.M., Khalmatjanov F.M., Safarov F.B. Bioclimatic Resources and Their Consideration for Tourism Development in Selected Destinations of Uzbekistan // Indonesian Journal of Law and Economics Review IJLER 7 (0). doi: 10.21070/ijler.2020.V7.481.

Matzarakis A. Transfer of climate data for tourism applications – The Climate-Tourism/Transfer-Information-Scheme // Sustain. Environ. Res., 2014, 24(4). – PP. 273-280.

Sneyers R. On the Statistical Analysis of Series of Observations, WMO Publ. No. 415 (Tech. Note No. 143), Geneva. 1990. – 121 p.

Çalışkan O., Türkoğlu N., Matzarakis A. The effects of elevation on thermal bioclimatic conditions in Uludag (Turkey) // Atmosphere, 2013, 26(1): 45-57.

Электрон ресурс:

Buxoro - islom olami madaniyati poytaxti. TOSHKENT, 29 yanvar. 2020 /“Dunyo” AA/. URL https://dunyo.info/uz/site/inner/buxoro_-_islom_olami_madaniyati_poytaxti-mKd

БИОКЛИМАТИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ГОРОДА БУХАРА**Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2}, С.У. БЕГМАТОВ²**¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, b.xolmatjanov@nuu.uz² Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, sardor0752@gmail.com

Аннотация: На основе статистической обработки данных наблюдений метеорологической станции Бухара за 2009-2018 гг. выявлены особенности изменения многолетних средних биоклиматических условий во времени с использованием термогигрометрического коэффициента сухости воздуха. В целях обеспечения туристов необходимой биоклиматической информацией представлена «Климато-туристская информационная схема», содержащая компоненты теплового ощущения, а также эстетические (облачность и относительная влажность) и физические (влажность, осадки, ветер) компоненты погодных условий.

Ключевые слова: город Бухара, термогигрометрический коэффициент сухости воздуха, биоклиматические условия, тепловое ощущение, «Климато-туристская информационная схема».

BIOCLIMATIC CONDITIONS OF THE BUKHARA CITY**B.M. KHOLMATJANOV^{1,2}, S.U. BEGMATOV²**¹ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, b.xolmatjanov@nuu.uz² Hydrometeorological Research Institute, sardor0752@gmail.com

Abstract: Based on statistical processing of observational data of the Bukhara meteorological station for 2009-2018 the features of temporal changes in long-term average bioclimatic conditions were revealed using the thermohygrometric coefficient of air dryness. In order to provide tourists with the necessary bioclimatic information, the "Climate-Tourism-Information-Scheme" is presented, containing the components of thermal sensation, as well as aesthetic (cloudiness and relative humidity) and physical (humidity, precipitation, wind) components of weather conditions.

Keywords: Bukhara city, thermohygrometric coefficient of air dryness, bioclimatic conditions, thermal sensation, "Climate-Tourism-Information-Scheme".

REFERENCES

Petrov Yu.V., Abdullaev A.K. K voprosu osenki suxosti vozduxa [On the problem of air dryness estimation] // Meteorologiya i gidrologiya. – M.: NITs «Planeta», 2010. – № 10, – S. 90-95. (in Russian)

Kholmatjanov B.M., Petrov Yu.V., Abdikulov F.I., Abdikulova M.R., Saypiddinov Z.F., Makhmudov M.M., Khalmatjanov F.M. Usloviya teplovogo komforta goroda Tashkent [Conditions of thermal comfort of the Tashkent city] // Ilm-fan va innovatsion rivozhlanish. №2. 2020. – B. 74-82. (in Russian)

Xolmatjanov B.M., Petrov Yu.V., Abdikulov F.I. Imom Al-Buhoriy majmuasi hududining bioiklimiy sharoitlari [Bioclimatic conditions of the Imam Bukhari pilgrimage place] // Hidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi. №2. 2021. – B. 19-31. (in Uzbek)

Kholmatjanov B.M., Petrov Yu.V., Begmatov S.U. Hiva shahrining bioiklimiy sharoitlari [Bioclimatic conditions of the Khiva city] // Fizika fanining rivojida istedodli yoshlarning orni (RIAK-XIV-2021) Respublika ilmiy anjumani materiallari (Toshkent, 2021 yil 26-27 mart). 1-tom. – B. 95-98. (in Uzbek)

Electronic resource:

Buxoro - islom olami madaniyati poytaxti TOSHKENT, 29 yanvar. 2020 (Bukhara is the cultural capital of the Islamic world) / "Dunyo" AA/. URL https://dunyo.info/uz/site/inner/bukhoro_-_islom_olami_madaniyati_poytakhti-mKd (in Uzbek)

УДК: 551.557

ЎЗБЕКИСТОНДА 2022 ЙИЛ МАРТДА КУЗАТИЛГАН ЁҒИНЛАР АНОМАЛИЯСИ**Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2*}, Э.И. АБДУЛАХАТОВ², Д.Ў. ЯРАШЕВ²,
С.У. БЕГМАТОВ²**¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, b.xolmatjanov@nuu.uz² Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, erik_sen@mail.ru, drxnyarashev@mail.ru, sardor0752@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатларда жойлашган 83 та метеорология станциялари маълумотлари асосида 2022 йилнинг март ойида кузатилган ёгинлар аномалияси тадқиқ этилди. Натижалар Тошкент, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги айрим станцияларда қайд этилган ойлик ёгинлар миқдорлари бутун кузатув давридаги энг юқори қийматларга эришганини кўрсатди. Олинган натижалар Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари маркази (ECMWF) ва АҚШ Океан ва атмосфера тадқиқотлари Миллий маркази (NOAA) каби дунёнинг етакчи об-ҳаво прогнозлари марказларининг реанализ маълумотлари билан қиёсланди. Қиёсий таҳлил реанализ маълумотлари аномалиянинг умумий тамойилларини акс эттирса-да, миқдор жиҳатидан тадқиқотда фойдаланилган метеорология станциялари кузатув маълумотлари асосида олинган натижалардан сезиларли фарқларга эга эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ҳудудида ёгинлар аномалияси шаклланишининг циркуляцион шароитлари таҳлил қилинди. 2022 йилнинг март ойи учун Евроосиё устида 500 гПа мутлақ изобарик сирт геопотенциал баландлиги аномалияси картаси тадқиқ этилаётган давр мобайнида Атлантика океани устида шаклланган нам ҳаво массаларининг Ўрта Осиёга кириб келишини таъминловчи барик майдон барқарор сақланганини кўрсатди. Натижада Ўрта Осиёга ёгин олиб келувчи асосий синоптик жараён – Ҳавонинг ғарбдан кириб келиши (10-тур)нинг давомийлиги энг катта бўлиб, ой давомида у деярли 11 суткани (ёки ой давомийлигининг 34,7%), ташиқил этган. Ёгин келтирувчи кейинги синоптик жараён – Совуқ фронтдаги тўлқинли фаолият (7-тур)нинг давомийлиги 6 суткадан кўпроқ бўлиб, ой давомийлигининг 20,2% ни ташиқил этган. Бу икки жараёнлар биргаликда март ойи мобайнида қайд этилган ёгинларнинг Жонкелдида 65,5%, Мошиқудуқда 85,7%, Сирдарёда 72,8%, Дўстликда 76,8%, Тошкентда 81,2%, Ойгаингда 76,4%, Деновда 92,2%, Кўлда 86,6%, Наманганда 70,4% ҳамда Попда 62,4% қисмини таъминлаган. Атиги 2,5 сутка давом этган Жанубий Каспий ва Мурғоб циклонлари (1- ва 2-тур) ойлик ёгинлар миқдорининг 10-30% гача улушини олиб келган.

Калит сўзлар: ёгинлар, аномалия, атмосфера циркуляцияси, Ўрта Осиё, синоптик жараён, иқлимий давр, ГАТ, карта.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши даврида сайёрада ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан бир қаторда материкларнинг айрим минтақаларида муайян давр ораликларида аномал даражада кўп ёгинларнинг қайд этилиши тез-тез такрорланмоқда. Ноодатий кўп миқдордаги ёгинларнинг асосий сабабларидан бири бўлган атмосфера циркуляцияси ўзгаришларини таҳлил қилиш узок муддатли об-ҳаво прогнозларини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Қозоғистонлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги иқлимий даврда Ўрта Осиёда ғарбий (W) циркуляция шакли устуворлик қилмоқда [Сальников и др., 2011]. Рус олимларининг тадқиқотларида баҳор мавсумида, кейинчалик Ўрта Осиёга кириб келувчи ғарбий циркуляция шаклининг Қора денгиз минтақасида аномал гидрометеорологик жарёнларнинг такрорланувчанлигини ошираётгани таъкидланган [Баянкина и др., 2008]. Шарқий Европада содир бўлувчи

* Масъул муаллиф: b.xolmatjanov@nuu.uz, тел.: +998 99 878-51-27

аномал гидрометеорологик ҳодисаларнинг Шимолий Атлантика устида шаклланивчи термобарик майдонлар билан боғлиқлиги исботланган [Соскин, 1972].

Хитойлик олимлар томонидан Тинч океанида Эль-Ниньонинг икки тури фаоллашган даврларда Ўрта Осиёдаги мавсумий ёғингарчилик аномалиялари таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот ишида Глобал ёғингарчилик иқлимшунослик марказининг GPCC V2018 иқлимий модели маълумотларидан фойдаланилган. Эль-Ниньонинг биринчи турида (СТ – Cold Tongue) Ўрта Осиё текисликларининг жанубидан шимоли-шарқига томон ёғингарчиликнинг кичик ортиши аниқланган бўлса, иккинчи турида (WP – Warm Pool) йилнинг уч фаслида Помир ва Тяньшань тоғлиқларида ёғингарчиликнинг кўпайиш тамойили кўрсатиб берилган. Эль-Ниньонинг WP турида Ҳинд океанида шаклланган Уокер циркуляциясининг Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турларига таъсири баҳоланган [Feng et al., 2022]. Хитойлик бошқа бир олимлар гуруҳи томонидан Ўрта Осиёда сўнгги 6 йил (2016-2021 йй.) давомида экстремал об-ҳаво ҳодисалари такрорланувчанлиги ва жадаллигининг ортаётгани аниқланган, ёзги экстремал ёғингарчилик (SEP – Summer Extreme Precipitation)нинг хусусиятлари ҳамда Ўрта Осиёдаги ҳаво массаларининг Тибет платосига таъсири баҳоланган [Wang et al., 2022].

Ўзбекистонда, нам ҳаво массаларининг кириб келиши, хусусан, ғарбий оқимлар натижасида жадал ёғин ҳодисаларининг йил ва мавсумлар бўйича такрорланувчанлиги Л.Е.Литвинова [Методическое ..., 1983], С.И.Инагамова [Инагамова, 1999] ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Г.А.Мамаджанованинг илмий изланишлари Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида сел ҳосил бўлишида Шарқий Атлантика тебранишининг таъсирини ўрганишга бағишланган [Mamadjanova et al., 2018; Mamadjanova, Leskebusch, 2022]. Ушбу тадқиқот ишларининг барчасида аномал ёғингарчилик ҳодисалари, хусусан, жадал ёғинлар такрорланувчанлигининг йиллар ва мавсумлар кесимида ўзгаришлари ўрганилган.

Ўзбекистонга асосий ёғинлар келтирувчи нам ҳаво оқимлари зонал циркуляция шакли ҳисобланган ҳавонинг ғарбий кириб келиши (10-тур) синоптик турига боғлиқ [Холматжанов, 2019]. Ўрта кенгликлар, айрим ҳолларда арктик ҳаво массаларининг Қора денгиз, Кавказ ва Каспий денгизи орқали Ўрта Осиёга ғарбдан меридионал совуқ фронт ортидан кириб келиши ҳавонинг ғарбий кириб келиши синоптик жараёни деб аталади. Ўрта Осиё мамлакатларига 10-турнинг йилнинг совуқ даврида кириб келиши одатда ҳаво ҳароратини меъёр кўрсаткичларидан бироз пасайтиради ва аксарият ҳолларда ёғингарчилик кузатилади [Инагамова и др., 2002].

Сўнгги 30 йиллик (1991-2020 йй.) иқлимий даврнинг баҳор мавсумида ғарбий зонал циркуляция шакллари ташкил этувчи Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турларининг умумий такрорланувчанлиги 1961-1990 йй. иқлимий даврига нисбатан кескин ортган. Бироқ, бу гуруҳ таркибига кирувчи асосий ёғингарчиликлар келтирувчи 10-турнинг такрорланувчанлиги деярли ўзгаришсиз қолган [Холматжанов, Абдулахатов, 2022].

2022 йил март ойида Ўзбекистоннинг шимоли ва жанубидан ташқари аксарият ҳудудларида ёғинлар миқдори ойлик меъёрдан сезиларли даражада ортди. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) ҳисоботларига биноан, март ойида ёғинлар миқдори меъёр кўрсаткичларидан 2-3 баробар, баъзи жойларда 3,5-4,5 баробар кўп бўлган. Тошкент, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларининг айрим метеорология станцияларида жорий йилнинг март ойидаги ёғинлар йиғиндиси бутун метеорологик кузатувлар тарихида рекорд кўрсаткичларга эришди. Масалан, Тошкент шаҳрида 2022 йилнинг мартада 189,8 мм ёғингарчилик кузатилиб, 1969 йил март ойидаги рекорд (184,0 мм)ни янгилади. Ёғинларнинг давомийлиги ҳам аномал бўлди, ёмғир кўринишидаги ёғинлар 5 мартдан

18 мартгача деярли ҳар куни, кейинги саналарда эса қисқа танаффуслар билан қайд этилди [<http://hydromet.uz/ru/node/1640>].

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўрта Осиё жанубий ва ўрта қисмида жойлашган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тадқиқот **объекти**, республиканинг катта қисмида 2022 йил март ойида қайд этилган ёғинлар аномалияси ва унга сабаб бўлган синоптик жараён турлари тадқиқот **предмети** ҳисобланади.

Бирламчи маълумотлар. Тадқиқот ишида 2022 йил март ойида Ўзгидрометнинг 71 та метеорология станцияларида кузатилган ойлик ёғинлар миқдори ва Гидрометеорологик таъминот бошқармаси Об-ҳаво прогнозлари бўлимида рўйхатга олинган Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турларининг тақвим маълумотларидан фойдаланилди [Календарь ..., 1993, 2013]. Ёғинлар ГАТ карталарини яратишда Қозоғистоннинг Чимкент, Тараз, Орол, Оққудук, Сам, Қирғизистоннинг Жалолобод, Талас, Бишкек, Тожикистоннинг Душанбе, Туркменистоннинг Ербент, Туркманобод, Койтентоғ метеорология станцияларида қайд этилган маълумотлар жалб этилди. Мазкур карталар ArgGIS 10.8 дастури ёрдамида тузилди. Шунингдек, тадқиқотда Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари маркази (ECMWF) Copernicus иқлим ўзгариши хизмати реанализ маълумотлари ҳамда АҚШ Океан ва атмосфера тадқиқотлари Миллий маркази (NOAA) Миллий экологик ахборот марказларининг реанализ маълумотлари ва Иқлим прогноз маркази (SAMS_OPI)нинг Евроосиё материгида март учун 500 гПа мутлак изобарик сирт геопотенциал баландлиги аномалияси карталаридан фойдаланилди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда гидрометеорологик маълумотларни статистик қайта ишлаш, қиёсий таҳлил, синоптик таҳлил ҳамда ГАТ карталаштириш усулларида фойдаланилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда жойлашган 83 та метеорология станцияларида 2022 йил мартда қайд этилган ёғин миқдорлари 1981-2010 йй. иқлимий даври кўп йиллик ўртача қийматлари билан қиёсланди (1-жадвал) ҳамда ушбу маълумотлар асосида ArgGIS дастури ёрдамида ойлик ёғинлар миқдори ва уларнинг иқлимий меъёр кўрсаткичларига нисбатан четланиш карталари тузилди (1- ва 2-расмлар).

Тадқиқот натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Навоий вилоятининг шимоли-ғарбий, Қашқадарё вилоятининг жанубий ҳамда Сурхондарё вилоятининг жануби-ғарбий ҳудудларида ойлик ёғинлар миқдори 40 мм дан ортмаган (1-жадвал, 1-расм). Қизилқум марказидан шарққа томон ёғинлар аста-секин 240 мм гача ортиб борган. Энг кўп ёғинлар Тошкент вилоятида кузатилган бўлиб, Чимён, Қамчиқ, Дуқант ва Сўқоқ тоғ метеорология станцияларида ойлик ёғинлар миқдори 300 мм дан ортган. Фарғона водийсида ёғинлар жанубдан шимол ва шимоли-шарққа томон ортиб бориб, Қўрғонтепада ой давомидаги ёғинлар миқдори 153 мм ни ташкил этган.

Ўзбекистон ҳудудида кузатилган ёғинлар миқдорларининг таҳлили аксарият ҳудудларда улар 1981-2010 йй. базавий иқлимий давр меъёрларидан юқори бўлганини кўрсатди (1-жадвал, 2-расм). Масалан, меъёрга нисбатан Тошкент вилоятида 203-380%, Фарғона водийси марказий текислик ҳудудида (Наманган) – 458% гача, Жиззах вилоятида 191% дан (Бахмал) 245% гача (Лалмикор), Сирдарё вилоятида 357% гача (Сирдарё), Самарқанд ва Навоий вилоятларида 133% дан 237% гача, Қизилқумнинг ўрта ҳудудида 316% дан (Оёқоғитма) 450% гача (Жонгелди) кўп ёғинлар қайд этилган. Фақатгина жануби-шарқий Оролбўйи, Қизилқумнинг шарқий ва шимолий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг аксарият қисмларида ёғинлар меъёрдан кам бўлган. Мисол учун, Бўзаубайда кўп йиллик меъёрнинг 57%, Оқбайталда эса атиги 39% миқдорларида ёғинлар кузатилган.

1-жадвал

**Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар метеорология станциялари бўйича
ёгинлар маълумотлари**

Таблица 1

**Данные об осадках по метеорологическим станциям Узбекистана
и сопредельных стран**


Table 1

Precipitation data from meteorological stations in Uzbekistan and neighboring countries

T/ p	Метеорология станцияси	Ёгинлар миқдори (2022 йил, март), мм	Икклимий мёёр (1981-2010 йй.), мм	Метёрға нисбатан %	T/ p	Метеорология станцияси	Ёгинлар миқдори (2022 йил, март), мм	Икклимий мёёр (1981-2010 йй.), мм	Метёрға нисбатан %
1	Тошкент	189,8	70,2	270,4	43	Ғаллаорол	172,8	65,7	263,0
2	Янгийўл	176,0	55,7	316,0	44	Лалмикор	183,7	75,0	244,9
3	Кўкорол	182,3	61,8	295,0	45	Янгикишлоқ	173,6	62,8	276,4
4	Далварзин	143,1	51,3	278,9	46	Бахмал	140,3	73,3	191,4
5	Бекобод	110,6	54,6	202,6	47	Сирдарё	201,9	56,5	357,3
6	Туябўғиз	194,5	67,7	287,3	48	Янгиер	128,6	55,4	232,1
7	Олмалик	228,1	79,8	285,8	49	Қарши	43,6	52,5	83,0
8	Сўкоқ	310,8	143,0	217,3	50	Ғузор	51,6	75,0	68,8
9	Ангрен	286,1	98,6	290,2	51	Шахрисабз	106,5	102,2	104,2
10	Дукант	332,1	133,1	249,5	52	Дехқонобод	39,4	70,0	56,3
11	Чимён	329,6	127,0	259,5	53	Оқрабат	29,4	82,6	35,6
12	Писком	317,7	109,7	289,6	54	Мингчукур	117,2	125,3	93,5
13	Ойгаинг	297,7	78,3	380,2	55	Кўл	163,1	112,2	145,4
14	Нукус	10,8	17,1	63,2	56	Термиз	38,4	36,4	105,5
15	Чимбой	11,8	20,3	58,1	57	Денов	102,0	75,0	136,0
16	Тахиятош	13,8	17,5	78,9	58	Шўрчи	48,0	67,0	71,6
17	Кўнғирот	5,1	20,3	25,1	59	Шеробод	24,0	49,2	48,8
18	Тахтақўпир	7,3	16,8	43,5	60	Бойсун	90,1	89,8	100,3
19	Жаслик	19,7	13,7	143,8	61	Андижон	102,5	34,0	301,5
20	Қорақалпоғистон	37,8	17,3	218,5	62	Кўрғонтепа	153,1	51,4	297,9
21	Мўйнок	16,0	22,9	69,9	63	Улуғнор	88,7	24,1	368,0
22	Урганч	13,8	18,5	74,6	64	Бўстон	97,8	26,6	367,7
23	Хива	7,9	15,2	52,0	65	Наманган	132,3	28,9	457,8
24	Туямўйин	23,3	18,9	123,3	66	Поп	107,4	26,0	413,1
25	Бухоро	61,9	29,5	209,8	67	Қамчиқ	323,5	90,4	357,9
26	Қорақўл	68,0	29,5	230,5	68	Фарғона	66	25,4	259,8
27	Оёқогитма	84,0	26,6	315,8	69	Кўкон	55	18,6	295,7
28	Жонгелди	89,5	19,9	449,7	70	Қува	99,7	28,3	352,3
29	Навой	96,8	40,9	236,7	71	Шоҳимардон	50,5	45,1	112,0
30	Нурога	141,2	48,6	290,5	72	Чимкент	232,7	79,3	293,4
31	Томди	30,4	20,0	152,0	73	Сам	45,4	17,6	258,0
32	Мошиқудук	98,7	30,8	320,5	74	Ербент	55,0	19,9	276,4
33	Оқбайтал	6,0	15,2	39,5	75	Койтентоғ	45,3	36,0	125,8
34	Бўзаубай	9,3	16,4	56,7	76	Жалолобод	84,1	61,3	137,2
35	Самарқанд	146,2	68,8	212,5	77	Тараз	132,2	38,7	341,6
36	Дағбит	146,9	70,8	207,5	78	Орол	34,7	15,7	221,0
37	Пайариқ	124,9	75,0	166,5	79	Оққудук	4,0	21,8	18,3
38	Пайшанба	112,8	57,9	194,8	80	Талас	36,3	35,1	103,4
39	Қўшрабат	173,1	75,9	228,1	81	Бишкек	78,6	52,1	150,9
40	Нуробод	104,2	78,6	132,6	82	Туркманобод	36,0	29,4	122,4
41	Жиззах	191,0	63,4	301,3	83	Душанбе	127,5	110,7	115,2
42	Дўстлик	207,0	54,5	379,8					

Олинган натижаларни мавжуд очик маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадида Европа қисқа муддатли об-ҳаво прогнозлари маркази (ECMWF) Copernicus иқлим ўзгариши хизмати ҳамда АҚШ Океан ва атмосфера тадқиқотлари Миллий маркази (NOAA) Миллий экологик ахборот марказларининг реанализ маълумотлари (ERA5 ва GHCN-M)дан фойдаланилди (3-расм).


Карталарда келтирилган маълумотларга мувофиқ Ўзбекистоннинг жанубий ва шарқий тоғли ҳудудлари, Қирғизистон ва Тожикистонда ёғинларнинг сезиларли (+25 мм/сутка (3в- ва 3г-расмлар), +20 ÷ +60 мм/ой (3б-расм) ва меъёрга нисбатан 200% ва ундан ортиқ (3а-расм)), Ўзбекистоннинг Марказий Қизилқум ва Туркманистоннинг ўрта ҳудудида кучсиз (+3 мм/сутка (3в- ва 3г-расмлар), +80 мм/ой (3б-расм) ва меъёрга нисбатан 125 ÷ 200% (3а-расм)) мусбат аномалиялари, Ўзбекистоннинг ғарбий ҳамда Туркманистоннинг шимоли-ғарбий минтақаларида эса кучсиз (-3 мм/сутка (3в- ва 3г-расмлар), -20 мм/ой (3б-расм) ва меъёрга нисбатан 75% ва ундан кам (3а-расм)) манфий аномалиялари қайд этилган.



1-расм. Ўзбекистонда 2022 йил мартда ёғинлар тақсимооти, мм

Рис. 1. Распределение осадков в Узбекистане в марте 2022 г., мм

Fig. 1. Distribution of precipitation in Uzbekistan in March 2022, mm




2-расм. Ўзбекистонда 2022 йил мартда қайд этилган ёғинлар миқдорининг 1981-2010 йй. базавий давр меъёрларига нисбатан аномалиялари, %

Рис. 2. Аномалии осадков в Узбекистане в марте 2022 г. относительно норм климатического периода 1981-2010 гг., %

Fig. 2. Precipitation anomaly in Uzbekistan in March 2022 with respect to a 1981-2010 base period, %

Ер усти кузатиш маълумотлари асосида Ўзбекистон ҳудудида 2022 йил март ойи давомида қайд этилган ёғинлар миқдорлари тақсимотини ECMWF ва NOAA маълумотлари билан қиёслаш, реанализ маълумотлари ҳодисанинг умумий тамойилларини акс эттирса-да, миқдор жиҳатидан сезиларли фарқларга эга эканлигини кўрсатди. Бундай фарқлар, мисол учун, Ўзбекистондаги Марказий Қизилқум ҳудудларида қайд этилиб, унинг қиймати ҳудудда жойлашган метеорология станциялари маълумотларига кўра 450% гача аномалияни кўрсатган бўлса, реанализ маълумотлари бўйича аномалия 125% ни ташкил этади.



3-расм. Ёгинлар миқдори аномалиялари, 2022 йил март

а) 1991-2020 йй., б) 1981-2010 йй. (ECMWF, мм/сутка),

[<https://climate.copernicus.eu/precipitation-relative-humidity-and-soil-moisture-march-2022>]

в) 1961-1990 йй., мм/ой, г) 1961-1990 йй., % (NOAA)

[<https://www.ncei.noaa.gov/access/monitoring/ghcn-gridded-products/>]

Рис. 3. Аномалии осадков, март 2022 г.

а) 1991-2020 гг., б) 1981-2010 гг. (ECMWF, мм/сутки),

[<https://climate.copernicus.eu/precipitation-relative-humidity-and-soil-moisture-march-2022>]

в) 1961-1990 гг., мм/месяц, г) 1961-1990 гг., % (NOAA)

[<https://www.ncei.noaa.gov/access/monitoring/ghcn-gridded-products/>]

Fig. 3. Precipitation anomalies, March 2022

a) 1991-2020, b) 1981-2010 (ECMWF, mm/day),


[<https://climate.copernicus.eu/precipitation-relative-humidity-and-soil-moisture-march-2022>]

c) 1961-1990, mm/month, d) 1961-1990, % (NOAA)

[<https://www.ncei.noaa.gov/access/monitoring/ghcn-gridded-products/>]

Маълумки, Ўрта Осиёда ёгинли об-ҳаво шароитларининг қайд этилиши ҳаво массаларининг намлик характеристикаларига боғлиқ бўлиб, уларнинг минтақага кириб келиши йирик масштаби атмосфера циркуляцияси билан белгиланади. Шу сабабли Ўзбекистон ҳудудида юқорида таҳлили келтирилган ёгинлар аномалияси шаклланишининг циркуляцион шароитлари таҳлил қилинди. NOAA SAMS_OPI нинг 2022 йил март учун Евроосиёда 500 гПа мутлақ изобарик сирт геопотенциал баландлиги аномалияси картаси ой давомида Скандинавия яриморали ҳамда Эрон, Афғонистон,

Покистон, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари ҳамда Хитой устида юқори босим, Туркия ҳудудларидан Сибирга томон жануби-ғарб – шимолий-шарқ йўналишида паст босим аномалияларининг устуворлик қилганини кўрсатди (4-расм). Март ойи давомида Скандинавиянинг шимоли, Россиянинг Европа ҳудуди, Ўртаер денгизи, Арабистон яримороти ва Эрон орқали Атлантика океани устида шаклланган нам ҳаво массаларининг Ўрта Осиёга кириб келишини таъминловчи юқори фронтал зона (ЮФЗ) барқарор сақланган. Бундай шароитда ЮФЗ нинг Ироқ ва Эрондан ўтувчи қисми остида, барик ботикликнинг олд томонида ер сиртида асосий тропосфера фронтида циклонлар шаклланиши учун термобарик шароитлар бажарилади ҳамда мазкур циклонларнинг меридионал йўналган совуқ фронтлари аксарият ҳолларда Ўрта Осиёга ғарбдан кириб келади.



4-расм. Евроосиё материгида 2022 йил мартда 500 гПа мутлақ изобарик сирт геопотенциал баландлиги аномалияси [https://iridl.ldeo.columbia.edu/]

Рис. 4. Аномалия абсолютной геопотенциальной высоты изобарической поверхности 500 гПа над Евразией в марте 2022 г. [https://iridl.ldeo.columbia.edu/]

Fig. 4. Anomaly of the absolute geopotential height of the 500 hPa isobaric surface over Eurasia in March 2022 [https://iridl.ldeo.columbia.edu/]

Илмий адабиётда Ўрта Осиё синоптик жараёнларининг қуйидаги турлари ажратилади: 1 – Жанубий Каспий циклони, 2 – Мурғоб циклони, 3 – Юқори Амударё циклони, 4 – Илиқ ҳавонинг кенг кўламли чиқиши, 5 – Совуқ ҳавонинг шимолий-ғарбий кириб келиши, 6 – Совуқ ҳавонинг шимолдан кириб келиши, 7 – Совуқ фронтдаги тўлқинли фаолият, 8 – Ўрта Осиё устида кам ҳаракатли циклон, 9 – Антициклоннинг жануби-ғарбий чеккаси, 9а – Антициклоннинг жануби-шарқий чеккаси, 9б – Антициклоннинг жанубий чеккаси, 10 – Ҳавонинг ғарбдан кириб келиши, 11 – Ёзги термик депрессия, 12 – Кичик градиентли юқори босимли майдон, 13 – Кичик градиентли паст босимли майдон, 14 – Ғарбий циклон, 15 – Шўнғувчи циклон [Синоптические ..., 1957; Иногамова и др., 2002]. Мазкур жараён турлари Ўрта Осиё устида шаклланувчи Шимолий яримшар атмосфера циркуляция шаклларига мос равишда тўрт гуруҳга ажратилади [Холматжанов, 2019]. Таснифлашга мувофиқ Ўрта Осиё синоптик жараёнларининг 1-, 2-, 3- ва 4-турлари илиқ тур бўйича меридионал циркуляция шаклини (C_H), 5-, 6-, 7-, 8- ва 15-турлар совуқ тур бўйича меридионал циркуляция шаклини (C_C),

9-, 9а- ва 9б-турлар шарқий циркуляция шаклини (*E*), 10-, 11-, 12-, 13- ва 14-турлар ғарбий циркуляция шаклини (*W*) ташкил этади.

Жорий йилнинг март ойи учун Ўрта Осиё синоптик жараёнлари тақвимининг таҳлили минтақа устида бу даврда ғарбий циркуляция шаклининг устуворлик қилганини кўрсатди (2-жадвал). Ғарбий циркуляция шаклини ташкил этувчи синоптик жараёнларнинг такрорланувчанлиги кескин ортиб, 52,4% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 1961-1990 йй. ва 1991-2020 йй. базавий иқлимий даврлардаги меъёрлардан мос равишда 2,3 ва 1,3 марта кўп.

2-жадвал

Шимолий яримшар умумий атмосфера циркуляциясининг турли шаклларига мос Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турларининг мартдаги такрорланувчанлиги, %

Таблица 2

Повторяемость типов синоптических процессов Средней Азии, соответствующих различным формам общей циркуляции атмосферы северного полушария в марте, %

Table 2

Recurrence of the Middle Asian synoptic processes types, corresponding to various forms of the general atmospheric circulation of the northern hemisphere in March, %

Ой	Давр, йй.	C_H	C_C	<i>E</i>	<i>W</i>
Март	1961-1990	23,8	23,2	30,6	22,4
	1991-2020	13,0	19,5	29,6	37,9
	2022	22,6	8,1	16,9	52,4

Изоҳ: C_H – совуқ тур бўйича меридионал циркуляция (5-, 6-, 7-, 8-, 15-турлар), C_C – илиқ тур бўйича меридионал циркуляция (1-, 2-, 3-, 4-турлар), *E* – шарқий циркуляция шакли (9-, 9а-, 9б-турлар), *W* – ғарбий циркуляция шакли (10-, 11-, 12-, 13-, 14-турлар).

Примечание: C_H – меридиональная циркуляция по холодному типу (типы 5,6,7,8,15), C_C – меридиональная циркуляция по теплomu типу (типы 1,2,3,4), *E* – восточная форма циркуляции (типы 9,9а,9б), *W* – западная форма циркуляции (типы 10,11,12,13,14).

Note: C_H – meridional circulation according to the cold type (types 5,6,7,8,15), C_C – meridional circulation according to the warm type (types 1,2,3,4), *E* – eastern form of circulation (types 9,9a, 9b), *W* – western form of circulation (types 10, 11, 12, 13, 14).

Ёғинлар аномалиясига сабаб бўлган синоптик жараёнларни аниқлаш мақсадида 1961-1990 йй. ва 1991-2020 йй. базавий иқлимий даврлари ҳамда 2022 йилнинг март ойлари учун Ўрта Осиёда синоптик жараён турларининг давомийликлари статистик баҳоланди (3-жадвал). 2022 йилнинг март ойи давомида ёғин келтирувчи асосий синоптик жараён – Ҳавонинг ғарбдан кириб келиши (10-тур)нинг давомийлиги энг катта бўлиб, ой давомида у деярли 11 суткани (ёки ой давомийлигининг 34,7%) ташкил этган. Бу даврда совуқ яримйилликда ёғин келтирувчи кейинги синоптик жараён – Совуқ фронтдаги тўлқинли фаолият (7-тур)нинг давомийлиги 6 суткадан кўпроқ бўлиб, ой давомийлигининг 20,2% ни ташкил этган. Таъкидлаш ўринлики, ўтиш мавсумларида катта миқдордаги ёғинларни келтирувчи жанубий циклонлар (Жанубий Каспий циклони – 1-тур ва Мурғоб циклони – 2-тур жараёнлари)нинг давомийликлари таҳлилда қўлланилаётган базавий иқлимий даврлар меъёрларидан сезиларли кичик бўлган. Муайян миқдордаги ёғинлар олиб келиши мумкин бўлган Совуқ ҳавонинг шимоли-ғарбий кириб келиши (5-тур) ва Совуқ ҳавонинг шимолдан кириб келиши (6-тур) синоптик жараёнлари умуман кузатилмаган. Шундай қилиб, йилнинг совуқ даврида ёғингарчиликлар билан ўтувчи 7- ва 10-тур синоптик жараёнлари Ўрта Осиёда жорий йилнинг март ойининг ярмидан кўпроқ вақт оралиғида асосий синоптик турлар бўлди.

3-жадвал

Турли даврларда Ўрта Осиё синоптик жараён турларининг мартдаги давомийлиги,
% (1 – 1961-1990 йй., 2 – 1991-2020 йй., 3 – 2022 й.)

Таблица 3

Продолжительность типов синоптических процессов Средней Азии в марте в
различные периоды, % (1 – 1961-1990 гг., 2 – 1991-2020 гг., 3 – 2022 г.)

Table 3

Duration of the Middle Asian synoptic processes types in March in different periods, %
(1 – 1961-1990, 2 – 1991-2020, 3 – 2022)

Давр	Синоптик жараён турлари																
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	9a	9б	10	11	12	13	14	15
1	12,2	8,4	0,9	1,6	5,5	1,4	7,6	9,2	16,7	2	11,9	14,5	0,0	5,5	1,8	0,6	0,0
2	10,8	7,6	0,8	0,2	2,5	1,5	6,1	2,9	18,4	1,3	10,0	14,2	0,0	14,7	8,4	0,7	0,0
3	4,8	3,2	0,0	0,0	0,0	0,0	20,2	2,4	11,3	1,6	4,0	34,7	0,0	12,9	4,8	0,0	0,0

Ўрта Осиёда жорий йилнинг март ойида кузатилган синоптик жараён турлари ҳамда улар давомида қайд этилган ёғинлар миқдорлари таҳлил қилинди. Бунинг учун базавий иқлимий давр меъёрларидан кўп ойлик ёғинлар миқдори кузатилган 10 та метеорология станция маълумотлари жалб этилди (4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлилга жалб қилинган барча станцияларда март ойидаги ёғинларнинг ярмидан ортиғи (Попда 51,9% дан Тошкентда 72,1% гача) 10-тур давомида қайд этилган. Ойгаинг, Кўл ва Денов станцияларида 7-тур давомида ёғинларнинг мос равишда 18,6, 19,6 ва 22,5% улуши кузатилган. Чўл станцияси бўлган Мошиқудукда бу синоптик жараён ёғинларнинг 31,4% ни таъминлаган. Таъкидлаш ўринлики, совуқ фронтдаги тўлқинли фаолият Ўзбекистоннинг фақат тоғолди ва тоғ минтақаларида ёғинлар берган. Мошиқудук бу вақтда бошқа синоптик жараён таъсири остида бўлган, синоптик жараёнлар тақвимида эса асосий тур сифатида айнан 7-тур қайд этилган. Март ойидаги ёғинлар аномалиясида, биргаликда атиги 2,5 сутка (ёки ой давомийлигининг 8,0%) давом этган жанубий циклонларнинг аҳамияти ҳам сезиларли бўлган. Республиканинг турли ҳудудларида 1- ва 2-турлар ойлик ёғинлар миқдорининг 10-30% гача улушини олиб келган.

4-жадвал

Ўзбекистоннинг айрим метеорология станцияларида 2022 йил мартдаги ёғинлар
миқдорларининг Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турлари бўйича тақсими, %

Таблица 4

Распределение сумм осадков на некоторых метеостанциях Узбекистана
в марте 2022 г. по типам синоптических процессов Средней Азии, %

Table 4

Distribution of precipitation at some meteorological stations of Uzbekistan
in March 2022 by Middle Asian synoptic processes types, %

Тур	Жонгелди	Мошиқудук	Сирдарё	Дўстлик	Тошкент	Ойгаинг	Денов	Кўл	Наманган	Поп
1	10,3	0,0	25,8	22,2	17,5	11,8	7,8	12,9	20,5	28,3
2	0,0	10,1	0,0	0,0	1,1	3,0	0,0	0,0	0,0	0,0
7	6,4	31,4	4,8	8,2	9,1	18,6	22,5	19,6	12,2	10,5
10	59,1	54,3	68,0	68,6	72,1	57,8	69,6	67,0	58,2	51,9

Хулосалар. Ўзбекистонда 2022 йил мартда кузатилган ёғинлар аномалияси 1981-2010 йй. базавий иқлимий даври меъёрларига нисбатан Тошкент вилоятида 203-380%, Фарғона водийси марказий текислик ҳудудида (Наманган) – 458% гача, Жиззах

вилоятида 191% дан (Бахмал) 245% гача (Лалмикор), Сирдарё вилоятида 357% гача (Сирдарё), Самарқанд ва Навоий вилоятларида 133% дан 237% гача, Қизилқумнинг ўрта ҳудудида 316% дан (Оёқоғитма) 450% гача (Жонгелди) ёғинлар миқдори билан тавсифланди. Фақатгина Жануби-шарқий Оролбўйи, Қизилқумнинг шарқий ва шимолий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг аксарият қисмларида ёғинлар меъёрдан кам бўлган.

Ер усти кузатиш маълумотлари асосида Ўзбекистон ҳудудида 2022 йил март ойи давомида қайд этилган ёғинлар миқдорлари тақсимотини ECMWF ва NOAA маълумотлари билан қиёслаш, реанализ маълумотлари ҳодисанинг умумий тамойилларини акс эттирса-да, миқдор жиҳатидан сезиларли фарқларга эга эканлигини кўрсатди. Бундай фарқлар, мисол учун, Ўзбекистондаги Марказий Қизилқум ҳудудларида қайд этилиб, унинг қиймати ҳудудда жойлашган метеорология станциялари маълумотларига кўра 450% гача аномалияни кўрсатган бўлса, реанализ маълумотлари бўйича аномалия 125% ни ташкил этади.

2022 йил мартда Евроосиёда 500 гПа мутлақ изобарик сирт геопотенциал баландлиги аномалияси ой давомида Ироқ ва Эронда асосий тропосфера фронтида циклонлар шаклланиши учун қулай термобарик шароитларни таъминлаган. Натижада ёғин келтирувчи асосий синоптик жараён – Ҳавонинг ғарбдан кириб келиши (10-тур)нинг давомийлиги энг катта бўлиб, ой давомида у деярли 11 суткани (ёки ой давомийлигининг 34,7%) ташкил этган. Бу даврда совуқ яримйилликда ёғин келтирувчи кейинги синоптик жараён – Совуқ фронтдаги тўлқинли фаолият (7-тур)нинг давомийлиги 6 суткадан кўпроқ бўлиб, ой давомийлигининг 20,2% ни ташкил этган.

Тадқиқ этилган давр мобайнида ёғинларнинг ярмидан ортиғи (Попада 51,9% дан Тошкентда 72,1% гача) 10-тур давомида қайд этилган. Республиканинг турли ҳудудларида 7-тур давомида ёғинларнинг 18,6 дан 31,4% гача улуши қайд этилган. Март ойи давомида атиги 2,5 сутка давом этган 1 ва 2-турлар ойлик ёғинлар миқдорининг 10-30% гача улушини олиб келган.

Миннатдорчиликлар. Мазкур тадқиқот Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган АЛ-47-тур21071175 “Биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда туризм ҳудудларида турпакетларни диверсификацияловчи ҳамда Ўзбекистон туристик салоҳиятини кўрсатувчи картографик модел ва унинг иловасини яратиш” ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилаётган АЛ-5721122072 “Қишлоқ хўжалиги, сув ва энергия ресурсларини барқарор ривожлантириш учун ер усти кузатувлари ва геостационар метеорологик сунъий йўлдошлардан олинган куёш радиацияси маълумотларидан комплекс фойдаланиш” Ўзбекистон-Япония қўшма амалий лойиҳалари доирасида бажарилди.

Муаллифлар хиссаси. **Б.М. Холматжанов:** мақола ғояси, натижаларни текшириш, натижалар таҳлили, матнни ёзиш, мақолани расмийлаштириш, раҳбарлик. **Э.И. Абдулахатов:** методология, натижалар таҳлили, матнни ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **Д.Ў. Ярашев:** маълумотларни қайта ишлаш, графикларни яратиш, ГАТ карталарини тузиш. **С.У. Бегматов:** маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, натижалар таҳлили. Барча муаллифлар қўлёзманинг нашрга тайёрланган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розилиklarини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Баянкина Т.М., Калинин Е.И., Сизов А.А., Чехлан А.Е. Аномалии осадков в регионе Черного моря, формирующиеся в годы с экстремальными значениями индекса САК // Морской гидрофизический журнал, №3. 2008. – С. 56-67.

Инагамова С.И., Мухтаров Т.М., Мухтаров Ш.Т. Особенности синоптических процессов Средней Азии. – Ташкент: САНИГМИ, 2002. – 486 с.

Иногамова С.И. Сильные осадки в Средней Азии. – Ташкент: САНИГМИ, 1999. – 249 с.

Календарь типов синоптических процессов над Средней Азией. Вып. 3. / Под ред. С.И. Инагамовой. – Ташкент: НИГМИ, 1993. – 56 с.

Календарь типов синоптических процессов над Средней Азией. Вып. 4. / Под ред. С.И. Иногамовой. – Ташкент: НИГМИ, 2013. – 82 с.

Методическое письмо: Сильные осадки по Узбекистану / сост. Л.Е. Литвинова. – Ташкент: САНИИ, 1983. – 69 с.

Сальников В.Г., Турулина Г.К., Полякова С.Е., Молдахметов М.М., Махмудова Л.К. Климатические колебания общей циркуляции атмосферы, осадков и речного стока над территорией Казахстана. 2011. Доступно в <https://articlekz.com/article/8558>

Синоптические процессы Средней Азии / Бугаев В.А., Джорджио В.А., Козик Е.М., Петросьянц М.А., Пшеничный А.Я., Романов Н.Н., Чернышева О.Н. / Под ред. Т.А. Сарымсакова, В.А. Бугаева, В.А. Джорджио, М.А. Петросьянца, О.Н. Чернышевой. – Ташкент: АН Уз, 1957. – 477 с.

Соскин И.М. Взаимосвязь между изменчивостью теплового состояния поверхностных вод Северной Атлантики и некоторыми показателями атмосферной циркуляции // – М.: Тр. ГОИН. 1972. – Вып. 11. – С. 3 – 43.

Ўзбекистон Республикаси станциялари бўйича ўртача кўп йиллик метеоэлементлар кийматлари (1981-2010 йй. даври учун). – Тошкент: Ўзгидромет, 2017. – 25 б.

Холматжанов Б.М. Региональная циркуляция атмосферы, особенности ее влияния на изменение климата Средней Азии и загрязнение воздуха в горных районах Узбекистана. Дисс. на соиск. уч. степ. докт. геогр. наук. – Ташкент, 2019. – 299 с.

Холматжанов Б.М., Абдулахатов Э.И. Изменение повторяемости синоптических процессов Средней Азии // Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды, №1. 2022. – С. 33-44.

Feng F., Zhao Y., Huang A., Zhou X. Different Seasonal Precipitation Anomaly Patterns in Central Asia Associated with Two Types of El Niño During 1891–2016 // J Frontiers in Earth Science, 2022.10:1-16.

Wang H., J.Zhang., L.Chen., D.Li Relationship between summer extreme precipitation anomaly in Central Asia and surface sensible heat variation on the Central-Eastern Tibetan Plateau // J Climate Dynamics, 2022. 59: 685-700.

Mamadjanova G., Wild S., Walz M.A., Leckebusch G.C. The role of synoptic processes in mudflow formation in the piedmont areas of Uzbekistan // Nat. Hazards Earth Syst. Sci., 2018. 18:2893-2919.

Mamadjanova G., Leckebusch G.C. Assessment of mudflow risk in Uzbekistan using CMIP5 models // Weather and Climate Extremes, 2022. 35:1-23.

Электрон манбалар:

<http://hydromet.uz/ru/node/1640>

<https://iridl.ldeo.columbia.edu/>

<https://climate.copernicus.eu/precipitation-relative-humidity-and-soil-moisture-march-2022>

<https://www.ncei.noaa.gov/access/monitoring/ghcn-gridded-products/>

АНОМАЛИЯ ОСАДКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ В МАРТЕ 2022 ГОДА

**Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2}, Э.И. АБДУЛАХАТОВ², Д.У. ЯРАШЕВ²,
С.У. БЕГМАТОВ²**

¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, b.xolmatjanov@nuu.uz

² Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, erik_sen@mail.ru,
drxnnyarashev@mail.ru, sardor0752@gmail.com

Аннотация. В статье рассматривалась аномалия осадков, наблюдавшаяся в марте 2022 года, на основе данных 83 метеорологических станций, расположенных в Узбекистане и соседних странах. Результаты показали, что месячные количества осадков, зафиксированное на

некоторых станциях в Ташкентской, Бухарской, Джизакской, Сырдарьинской, Андижанской, Ферганской и Наманганской областях, оказались наиболее высокими за весь период наблюдений. Полученные результаты были сопоставлены с данными реанализов ведущих мировых центров прогнозов погоды, таких как Европейский центр среднесрочных прогнозов погоды (ECMWF) и Национальный центр исследований океана и атмосферы США (NOAA). Сравнительный анализ данных реанализа показал, что хотя эти данные отражают общие тенденции аномалии, с количественной точки зрения они существенно отличаются от результатов, полученных на основе данных наблюдений метеорологических станций.

Проанализированы циркуляционные условия аномалии осадков на территории Узбекистана. Карта аномалий геопотенциальной высоты абсолютной изобарической поверхности 500 гПа над Евразией за март 2022 года показала, что в течение исследуемого периода преобладало барическое поле, обеспечивающее проникновение влажных воздушных масс в Среднюю Азию, образовавшихся над Атлантическим океаном. В результате в течение месяца продолжительность основного синоптического процесса, приносящего осадки в Среднюю Азию – Западного вторжения (тип 10), была самой большой и составила почти 11 суток (или 34,7% от продолжительности месяца). Продолжительность следующего осадкообразующего синоптического процесса – Волновой деятельности на холодном фронте (тип 7), составила более 6 суток или 20,2% от продолжительности месяца. Совокупно эти два процесса обеспечили 65,5% осадков в Жангелди, 85,7% в Машикудуке, 72,8% в Сырдарье, 76,8% в Дустлике, 81,2% в Ташкенте, 76,4% в Ойгаинге, 92,2% в Денау, 86,6% в Куле, 70,4% в Намангане и 62,4% в Папе, зарегистрированных в марте. Южнокаспийский и Мургабский циклоны (тип 1 и 2), продолжались всего 2,5 суток и принесли 10-30% месячного количества осадков.

Ключевые слова: осадки, аномалия, циркуляция атмосферы, Средняя Азия, синоптический процесс, климатический период, ГИС, карта.

PRECIPITATION ANOMALY IN UZBEKISTAN IN MARCH 2022

B.M. KHOLMATJANOV^{1,2}, E.I. ABDULAKHATOV², D.U. YARASHEV²,
S.U. BEGMATOV²

¹ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, b.xolmatjanov@nuu.uz

² Hydrometeorological Research Institute, erik_sen@mail.ru, drxnyarashev@mail.ru, sardor0752@gmail.com

Abstract. The article considered the precipitation anomaly observed in March 2022, based on data from 83 meteorological stations located in Uzbekistan and neighboring countries. The results showed that the monthly amount of precipitation recorded at some stations in Tashkent, Bukhara, Djizak, Syrdarya, Andijan, Ferghana and Namangan regions turned out to be a record for the entire observation period. The results obtained were compared with reanalysis data from leading world weather forecast centers such as the European Center for Medium-Range Weather Forecasts (ECMWF) and the US National Oceanic and Atmospheric Research Center (NOAA). A comparative analysis of the reanalysis data showed that although these data reflect the general trends of the anomaly, from a quantitative point of view they differ significantly from the results obtained on the basis of observational data from meteorological stations.

The circulation conditions of the precipitation anomaly on the territory of Uzbekistan are analyzed. The map of anomalies of the geopotential height of the absolute isobaric surface of 500 hPa over Eurasia for March 2022 showed that during the study period, the baric field prevailed, ensuring the penetration of humid air masses into Middle Asia formed over the Atlantic Ocean. As a result, during the month, the duration of the main synoptic process that brings precipitation to Middle Asia – Western invasion (type 10) was the longest and amounted to almost 11 days (or 34.7% of the duration of the month). The duration of the next precipitation-forming synoptic process – Wave activity on the cold front (type 7), was more than 6 days or 20.2% of the duration of the month. Together, these two processes provided 65.5% of precipitation in Jangeldi, 85.7% in Mashikuduk, 72.8% in Syrdarya, 76.8% in Dustlik, 81.2% in Tashkent, 76.4% in Oygaing, 92.2 % in Denau, 86.6% in Kul, 70.4% in Namangan and 62.4%

in *Pap*, registered in March. The South Caspian and Murgab cyclones (types 1 and 2), which lasted only 2.5 days, brought 10-30% of the monthly precipitation.

Keywords: precipitation, anomaly, atmospheric circulation, Middle Asia, synoptic processes, climatic period, GIS, chart.

REFERENCES

Bayankina T.M., Kalinin E.I., Sizov A.A., Chekhlan A.E. Anomalii osadkov v regione Chernogo morya, formiruyushiesya v godi s ekstremalnimi znacheniyami indeksa SAK [Precipitation anomalies in the Black Sea region, formed in years with extreme values of the NAO index] // *Morskoy gidrofizicheskiy jurnal*, № 3. 2008. – S. 56-67. (in Russian)

Inagamova S.I., Mukhtarov T.M., Mukhtarov Sh.T. Osobennosti sinopticheskikh protsessov Sredney Azii [Features of synoptic processes of Middle Asia]. – Tashkent: SANIGMI, 2002. – 486 s. (in Russian)

Inagamova S.I. Silniye osadki v Sredney Azii [Heavy precipitation in Central Asia]. – Tashkent: SANIGMI, 1999. – 249 s. (in Russian)

Kalendar tipov sinopticheskikh protsessov nad Sredney Aziey [Calendar of types of synoptic processes over Middle Asia]. Vyp. 3. / Pod red. S.I. Inagamovoy. – Tashkent: NIGMI, 1993. – 56 s. (in Russian)

Kalendar tipov sinopticheskikh protsessov nad Sredney Aziey [Calendar of types of synoptic processes over Middle Asia]. Vyp. 4. / Pod red. S.I. Inagamovoy. – Tashkent: NIGMI, 2013. – 82 s. (in Russian)

Metodicheskoye pismo: Silniye osadki po Uzbekistanu [Heavy precipitation in Uzbekistan] // sost. L.E. Litvinova. – Tashkent: SANII, 1983. – 69 s. (in Russian)

Salnikov V.G., Turulina G.K., Polyakova S.Ye., Moldakhmetov M.M., Makhmudova L.K. Klimaticheskoye usloviya obshey sirkulyatsii atmosfery, temperaturi i rechnogo stoka nad territoriyey Kazakhstana [Climatic fluctuations in the general circulation of the atmosphere, precipitation and river runoff over the territory of Kazakhstan]. 2011. Dostupno v <https://articlekz.com/article/8558> (in Russian)

Sinopticheskiye protsessy Sredney Azii [Synoptic processes of Middle Asia] / Bugayev V.A., Djordjio V.A., Kozik E.M., Petrosyants M.A., Pshenichnyy A.Ya., Romanov N.N., Chernysheva O.N. / Pod red. T.A. Sarymsakova, V.A. Bugayeva, V.A. Djordjio, M.A. Petrosyantsa, O.N. Chernyshevoy. – Tashkent: AN Uz, 1957. – 477 s. (in Russian)

Soskin I.M. Vzaimosvyaz mejdu izmenchivostyu teplovogo sostoyaniya poverhnostnih vod Severnoy Atlantiki i nekotorymi pokazatelyami atmosferynoy sirkulyatsii [Relationship between the variability of the thermal state of the surface waters of the North Atlantic and some indicators of atmospheric circulation] // – M.: Tr. GOIN. – 1972. – Vip. 11. – S. 3 – 43. (in Russian)

Uzbekiston Respublikasi stansiyalari buyicha urtacha kup yillik meteoelement qiymatlari (1981-2010 yy. davri uchun) [Average long-term meteorological element values for stations of the Republic of Uzbekistan (for the period 1981-2010)]. – Toshkent: Uzgidromet, 2017. – 25 b. (in Uzbek)

Xolmatjanov B.M. Regionalnaya sirkulyatsiya atmosfery, osobennosti yeyo vliyaniya na izmeneniye klimata Sredney Azii i zagryazneniye vozduxa v gornix rayonax Uzbekistana [Regional atmospheric circulation, peculiarities of its influence on climate change in Central Asia and air pollution in mountainous areas of Uzbekistan]. Diss. na soisk. uch. step. dokt. geogr. nauk. – Tashkent, 2019. – 299 s. (in Russian)

Xolmatjanov B.M., Abdulhatov E.I. Izmeneniye povtoryayemosti sinopticheskikh protsessov Sredney Azii [Changes of Middle Asian synoptic processes repeateness] // *Gidrometeorologiya i monitoring okrujayushey sredi*, №1. 2022. – S. 33-44. (in Russian)

Electronic resources:

<http://hydromet.uz/ru/node/1640>

<https://iridl.ldeo.columbia.edu/>

<https://climate.copernicus.eu/precipitation-relative-humidity-and-soil-moisture-march-2022>

<https://www.ncei.noaa.gov/access/monitoring/ghcn-gridded-products/>

ГИДРОЛОГИЯ / HYDROLOGY

УДК: 551.1:556.3(556.55)

**ЧИРЧИҚ ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИ БИЛАН ИҚЛИМИЙ ОМИЛЛАР
ОРАСИДАГИ БОҒЛАНИШЛАРНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ****Ф. ҲИКМАТОВ^{1*}, З.Ф. ХАКИМОВА¹, Д.М. ТУРГУНОВ²**

¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, hikmatov_f@mail.ru,
zilola_khakimova@inbox.ru

² Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, turgunov1987@gmail.com

***Аннотация.** Мақола Чирчиқ ҳавзаси дарёлари оқими билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш масалаларига бағишланган. Шу мақсадда дарёлар ўртача йиллик сув сарфлари билан иқлимий омиллар - атмосфера ёгинлари ва ҳаво ҳарорати орасидаги кўп ҳадли боғланишлар зичлиги объектив тенглаштириши ва нормаллаштириши усулида аниқланган. Уларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари олинган ҳамда ушбу тенгламаларга аргументларнинг қўшган ҳиссалари баҳоланган. Регрессия тенгламаларидан гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар амалиётида фойдаланиши тавсия этилган.*

***Калит сўзлар:** дарё, сув сарфи, иқлимий омиллар, қишки ёгинлар, ёзги ёгинлар, ҳаво ҳарорати, корреляция коэффициенти, регрессия тенгламалари, аргументларнинг ҳиссалари.*

Кириш. Ўрта Осиё тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омиллар, хусусан, атмосфера ёгинлари ва ҳаво ҳароратининг таъсирини ўрганишга қаратилган дастлабки тадқиқотлар ўтган XX асрнинг бошларида Э.М.Ольдекоп томонидан амалга оширилган [Ольдекоп, 1918]. Шу йилларда мазкур муаммо билан жиддий шуғулланган тадқиқотчилар орасида Л.К.Давыдов алоҳида ўрин эгаллайди. У Ўрта Осиё дарёлари оқимининг йиллараро тебраниши, уларнинг қайси типга мансублигидан катъий назар, дарёлар ҳавзаларига ёққан ёгинлар миқдорига боғлиқ, деб таъкидлайди [Давыдов, 1929].

Гидрометеорологик нуқтаи назардан муҳим бўлган ушбу муаммони ўрганиш бўйича кейинчароқ В.Л.Щульц [Щульц, 1965], О.П.Щеглова [Щеглова, 1960] ва бошқалар томонидан бажарилган тадқиқотларда Л.К.Давыдовнинг илмий хулосалари ўз исботини топди.

Ўтган XX асрнинг 70-йилларида дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсири масаласи М.Н.Большаков ва Е.В.Петряшовалар томонидан янада жиддийроқ ёндашув асосида кўриб чиқилди. Натижада улар Ғарбий Тяньшан дарёларини учта гуруҳга, жумладан, дарёлар оқими миқдори: 1) атмосфера ёгинларига; 2) атмосфера ёгинлари билан ҳаво ҳароратининг биргаликдаги таъсирига; 3) ҳаво ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган дарёлар гуруҳларига ажратдилар [Большаков, 1974].

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, мазкур мақолада кўриб чиқилаётган муаммо, яъни дарёлар оқимига иқлимий омиллар таъсири масаласи Чирчиқ ҳавзаси дарёлари мисолида батафсил кўриб чиқилмаган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади Чирчиқ ҳавзаси дарёлари оқими билан иқлимий омиллар—атмосфера ёгинлари ва ҳаво ҳарорати орасидаги боғланишларни статистик баҳолашга қаратилган. Ушбу мақсадга мос равишда, Чирчиқ дарёси ҳавзасига тегишли бўлган, табиий гидрологик режимли дарёларни танлаб

* Масъул муаллиф: hikmatov_f@mail.ru, тел.: +998 93 514-06-52

олиш, уларда ўлчанган сув сарфлари ҳамда дарёлар ҳавзаларида жойлашган метеорологик станцияларда кузатишган атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотларни тўплаш, мақола мавзуи доирасида тегишли ҳисоблашларни амалга ошириш, ҳисоблашлар натижаларини таҳлил қилиш ҳамда улардан илмий-амалий хулосалар чиқариш асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Мақоланинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, **тадқиқот объекти** сифатида олинган Чирчиқ ҳавзасидаги 7 та дарё танлаб олинди. Уларнинг барчаси, юқорида қайд этилганидек, табиий гидрологик режимга эга бўлиб, Чирчиқ дарёсининг биринчи ва иккинчи тартибли ирмоқлари ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Дарёларнинг асосий гидрологик кўрсаткичлари

Таблица 1

Основные гидрологические показатели рек

Table 1

Main hydrological indicators of rivers

Т.р.	Дарё – пост	F*, км ²	H**, м	Кузатишлар		Тўйиниш типи***
				йиллари	сони	
1	Чотқол – Худойдотсой	6580	2660	1965-1990	26	Қор сувлари
2	Писком – Муллала	2540	2740	1965-1990	26	Қор сувлари
3	Ойгаинг – қуйилиши	1010	3010	1961-1968 1970-1990	29	Қор-муз сувлари
4	Чиралма – қуйилиши	33,7	1790	1961-1968 1971-1990	28	Қор сувлари
5	Майдонтол – қуйилиши	471	3130	1961-1990	30	Қор-муз сувлари
6	Наволисой – Сижжак	471	1650	1964-1968 1974-1990	22	Қор-ёмғир сувлари
7	Угом – Хўжакент	103	2700	1961-1990	30	Қор сувлари

Изоҳ: F* – сув тўплаш (ҳавза) майдони; H** – ҳавзанинг ўртача баландлиги; *** – О.П.Щеглова таснифи бўйича.

Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришиш учун Чирчиқ ҳавзаси дарёларида базавий иқлимий давр, яъни 1961-1990 йилларда кузатишган ўртача йиллик сув сарфлари ($Q_{\text{й}}$) билан Писком метеорологик станциясида қайд этилган қишки ($\sum X_{\text{к}}$) ва ёзги ($\sum X_{\text{ё}}$) атмосфера ёғинлари йиғиндилари ҳамда ёзги ҳаво ҳароратлари ($t_{\text{ё}}$) ҳақидаги маълумотлардан фойдаландик. Таъкидлаш лозимки, қишки ёғинлар йиғиндиси ($\sum X_{\text{к}}$) октябрь-март, ёзги ёғинлар йиғиндиси ($\sum X_{\text{ё}}$) эса апрель-сентябрь ойлари камраб олади. Ўртача ёзги ҳаво ҳароратлари ($t_{\text{ё}}$) ни ҳисоблашда уларнинг апрель-сентябрь ойлари маълумотлари асос бўлди.

Бирламчи гидрометеорологик маълумотлар, айниқса, сув сарфлари қаторлари таҳлил қилинганда, уларда узилишлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, юқорида келтирилган 1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Чотқол (Худойдотсой) ва Писком (Муллала) дарёларида кузатишлар 1965 йилдан бошланган. Мазкур дарёларда аввалги йилларда кузатишлар олиб борилган гидрологик постлар Чарвоқ сув омбори таъсирига тушиб қолган. Шунингдек, Ойгаинг (қуйилиши), Навалисой (Сижжак) ва Чиралма (қуйилиши) дарёларидаги узилишлар эса 1969 йилдаги кўп сувлилик билан боғлиқдир. Аниқроғи, мазкур дарёлардаги гидрологик постлар шу йилнинг тўлинсув давридаги максимал сув сарфлари таъсирида ишдан чиққан.

Юқорида қайд этилган узилишларни тиклаш учун, ишда танлаб олинган дарёлар

ўртача йиллик сув сарфлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланди. Шу мақсадда ўртача йиллик сув сарфларидан иборат бўлган гидрологик қаторларнинг жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

Дарёлар ўртача йиллик сув сарфлари боғланишларининг жуфт корреляция коэффициентлари

Таблица 2

Парные коэффициенты корреляции связей между средними годовыми расходами ВОДЫ

Table 2

Pair correlation coefficients of relationships between average annual water discharges

Т.р.	Дарё – пост	1	2	3	4	5	6	7
1	Чотқол – Худойдотсой	1	0,947	0,898	0,872	0,830	0,806	0,919
2	Писком – Муллала		1	0,893	0,884	0,842	0,742	0,926
3	Ойгаинг – қуйилиши			1	0,941	0,929	0,787	0,781
4	Чиралма – қуйилиши				1	0,908	0,835	0,854
5	Майдонтол – қуйилиши					1	0,780	0,768
6	Наволисой – Сижжак						1	0,883
7	Угом – Хўжакент							1

Изоҳ: 1. Чотқол–Худойдотсой; 2. Писком–Муллала; 3. Ойгаинг–қуйилиши; 4. Чиралма–қуйилиши; 5. Майдонтол–қуйилиши; 6. Наволисой–Сижжак; 7. Угом – Хўжакент.

Стандарт дастурлар асосида, компьютерда амалга оширилган ҳисоблашлар натижасида аниқланган жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари $r=0,742\pm 0,059$ ва $r=0,947\pm 0,014$ ораликда ўзгарди. Кўриниб турибдики, бу қийматлар гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш учун тавсия этиладиган боғланишлар аниқлигига қўйиладиган талабларга тўла мос келади.

Юқоридаги ижобий натижани инобатга олган ҳолда, ҳар бир жуфтликни регрессия тенгламалари тузилди (3-жадвал). Ушбу тенгламалар ёрдамида ўртача йиллик сув сарфларида мавжуд бўлган узилишлар тикланди. Натижада, ўрганилаётган барча дарёлар учун уларнинг ўртача йиллик сув сарфлари билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни бир хил ҳисоб даври, яъни 1961-1990 йилларни қамраб олган биринчи иқлимий давр учун бажариш имконияти яратилди.

Тадқиқотда ҳар бир дарё учун $Q_{\text{й}}=f(X_{\text{к}}, X_{\text{ё}}, t_{\text{ё}})$ кўринишдаги кўп ҳадли боғланишларни статистик баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ифодада: $Q_{\text{й}}$ – дарёларда ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари; $X_{\text{к}}$ – қишки ёғинлар; $X_{\text{ё}}$ – ёзги ёғинлар; $t_{\text{ё}}$ – ёзги ҳаво ҳароратини ифодалайди. Шу мақсадда ўрганилаётган дарёлардаги гидрологик постларда ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари ($Q_{\text{й}}$) билан қишки ($X_{\text{к}}$) ва ёзги ($X_{\text{ё}}$) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ё}}$) орасидаги кўпҳадли боғланишлар статистик баҳоланди.

Танлаб олинган гидрометеорологик ўзгарувчилар ($Q_{\text{й}}, X_{\text{ё}}, X_{\text{к}}, t_{\text{ё}}$) орасидаги кўп ҳадли боғланишларни статистик баҳолаш мақсадидаги ҳисоблашлар Г.А.Алексеев [Алексеев, 1971] томонидан таклиф этилган объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулини қўллаш асосида амалга оширилди. Мазкур усулдан фойдаланган ҳолда, гидрометеорологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишлар зичлигини ифодаладиган жуфт ($r_{01}, r_{02}, r_{03}, r_{12}, r_{13}, r_{23}$) ва тўлиқ (r_0) корреляция коэффициентлари ҳисобланди (4-жадвал).

3-жадвал

Дарёлар жуфтлигининг регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги

Таблица 3

Уравнения регрессии для попарных рек и их точность

Table 3

Regression Equations for Paired Rivers and Their Accuracy

Т.р.	Дарёлар жуфтлиги	Регрессия тенгламалари	$r \pm \sigma_r$
1	Чотқол – Писком	$Q_{\text{ч}}=0,4906 \cdot Q_{\text{п}}+27,722$	$0,947 \pm 0,014$
2	Чотқол – Ойгаинг	$Q_{\text{ч}}=0,1987 \cdot Q_{\text{о}}+8,1049$	$0,898 \pm 0,026$
3	Чотқол – Чиралма	$Q_{\text{ч}}=0,0247 \cdot Q_{\text{ч}}+0,2484$	$0,872 \pm 0,032$
4	Чотқол – Майдонтол	$Q_{\text{ч}}=0,0731 \cdot Q_{\text{м}}+10,413$	$0,830 \pm 0,041$
5	Чотқол – Наволисой	$Q_{\text{ч}}=0,0229 \cdot Q_{\text{н}}+0,6684$	$0,806 \pm 0,066$
6	Чотқол – Угом	$Q_{\text{ч}}=0,1662 \cdot Q_{\text{у}}+4,6989$	$0,919 \pm 0,020$
7	Писком – Ойгаинг	$Q_{\text{п}}=0,3389 \cdot Q_{\text{о}}+1,7844$	$0,893 \pm 0,0269$
8	Писком – Чиралма	$Q_{\text{п}}=0,0432 \cdot Q_{\text{ч}}-0,6082$	$0,884 \pm 0,0429$
9	Писком – Майдонтол	$Q_{\text{п}}=0,1431 \cdot Q_{\text{м}}+6,7509$	$0,842 \pm 0,057$
10	Писком – Наволисой	$Q_{\text{п}}=0,0372 \cdot Q_{\text{н}}+0,1141$	$0,742 \pm 0,059$
11	Писком – Угом	$Q_{\text{п}}=0,3237 \cdot Q_{\text{у}}-3,5011$	$0,926 \pm 0,019$
12	Ойгаинг – Чиралма	$Q_{\text{п}}=0,1295 \cdot Q_{\text{ч}}-0,9428$	$0,941 \pm 0,014$
13	Ойгаинг – Майдонтол	$Q_{\text{п}}=0,5203 \cdot Q_{\text{м}}+3,2317$	$0,929 \pm 0,025$
14	Ойгаинг – Наволисой	$Q_{\text{п}}=0,1051 \cdot Q_{\text{н}}+0,0433$	$0,787 \pm 0,048$
15	Ойгаинг – Угом	$Q_{\text{п}}=0,7142 \cdot Q_{\text{у}}+1,4341$	$0,781 \pm 0,049$
16	Чиралма – Майдонтол	$Q_{\text{п}}=0,8237 \cdot Q_{\text{м}}+7,8551$	$0,908 \pm 0,022$
17	Чиралма – Наволисой	$Q_{\text{п}}=0,8524 \cdot Q_{\text{н}}+0,6626$	$0,835 \pm 0,039$
18	Чиралма – Угом	$Q_{\text{п}}=5,6846 \cdot Q_{\text{у}}+6,2229$	$0,854 \pm 0,035$
19	Майдонтол – Наволисой	$Q_{\text{п}}=0,1988 \cdot Q_{\text{н}}-0,5481$	$0,780 \pm 0,023$
20	Майдонтол – Угом	$Q_{\text{п}}=1,5358 \cdot Q_{\text{у}}-5,4432$	$0,768 \pm 0,023$
21	Наволисой – Угом	$Q_{\text{п}}=5,8446 \cdot Q_{\text{у}}+4,0184$	$0,883 \pm 0,032$

Изоҳ: $r \pm \sigma_r$ - корреляция коэффицентлари ва унинг хатолиги.

4-жадвал

Гидрометеорологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишлар зичлигини
ифодалайдиган жуфт ва тўлиқ корреляция коэффицентлари

Таблица 4

Парные и полные коэффициенты корреляции, выражающие тесноту связей между
гидрометеорологическими величинами

Table 4

Pairwise and total correlation coefficients expressing the density of relationships
between hydrometeorological quantities

Т.р.	Дарё – пост	Жуфт корреляция коэффицентлари					
		r_{01}	r_{02}	r_{03}	r_{12}	r_{13}	r_{23}
1	Чотқол – Худойдотсой	0,717	0,443	-0,325	0,380	-0,335	-0,749
2	Писком – Муллала	0,862	0,545	-0,370	0,380	-0,335	-0,749
3	Ойгаинг – куйилиши	0,744	0,440	-0,151	0,380	-0,335	-0,749
4	Чиралма – куйилиши	0,733	0,517	-0,08	0,253	-0,117	-0,556
5	Майдонтол – куйилиши	0,800	0,489	-0,292	0,380	-0,335	-0,749
6	Наволисой – Сижжак	0,744	0,640	-0,439	0,380	-0,335	-0,749
7	Угом – Хўжакент	0,834	0,666	-0,492	0,380	-0,335	-0,749

Тадқиқотнинг кейинги босқичида жуфт корреляция коэффициентларининг ҳисобланган қийматлари асосида регрессия коэффициентлари (α_{01} , α_{02} , α_{03}) ҳисобланди. Бунинг учун жуфт корреляция коэффициентлари ва номаълум бўлган регрессия коэффициентларидан ташкил топган чизикли тенгламалар системаси тузилди:

$$\begin{cases} \alpha_{01} + r_{12} \cdot \alpha_{02} + r_{13} \cdot \alpha_{03} = r_{01} \\ r_{12} + \alpha_{01} \cdot \alpha_{02} + r_{23} \cdot \alpha_{03} = r_{02} \\ r_{13} + \alpha_{01} \cdot r_{23} + \alpha_{02} \cdot \alpha_{03} = r_{03} \end{cases}$$

Юқоридаги чизикли тенгламалардан иборат бўлган системанинг бош (Δ_{00}) ва ёрдамчи (Δ_{0i}) детерминантлари Крамер усулида ҳисобланди:

$$\Delta = \begin{vmatrix} 1 \cdot r_{12} \cdot r_{13} \\ r_{12} \cdot 1 \cdot r_{23} \\ r_{13} \cdot r_{23} \cdot 1 \end{vmatrix}; \quad \Delta_{01} = \begin{vmatrix} r_{01} \cdot r_{12} \cdot r_{13} \\ r_{02} \cdot 1 \cdot r_{23} \\ r_{03} \cdot r_{23} \cdot 1 \end{vmatrix}; \quad \Delta_{02} = \begin{vmatrix} 1 \cdot r_{01} \cdot r_{13} \\ r_{12} \cdot r_{02} \cdot r_{23} \\ r_{13} \cdot r_{03} \cdot 1 \end{vmatrix}; \quad \Delta_{03} = \begin{vmatrix} 1 \cdot r_{12} \cdot r_{13} \\ r_{21} \cdot 1 \cdot r_{02} \\ r_{31} \cdot r_{32} \cdot r_{03} \end{vmatrix}.$$

Бош ва ёрдамчи детерминантларни ҳисоблашлар натижалари асосида номаълум бўлган регрессия коэффициентлари (α_{01} , α_{02} , α_{03}) қуйидаги ифода ёрдамида аниқланди:

$$\alpha_{01} = \frac{\Delta_{01}}{\Delta}; \quad \alpha_{02} = \frac{\Delta_{02}}{\Delta}; \quad \alpha_{03} = \frac{\Delta_{03}}{\Delta}.$$

Тўйиниш манбалари бўйича турли типларга мансуб бўлган дарёлар учун ҳисобланган регрессия коэффициентлари қийматларининг ўзгариш оралиқлари: $\alpha_{01}=0,636 \pm 0,775$; $\alpha_{02}=0,242 \pm 0,400$ ва $\alpha_{03}=0,090 \pm 0,448$ ни ташкил этади (5-жадвал).

5-жадвал

Бош ва ёрдамчи детерминантлар ҳамда регрессия коэффициентлари

Таблица 5

Основные и вспомогательные детерминанты и коэффициенты регрессии

Table 5

Main and auxiliary determinants and regression coefficients

Т.р.	Дарё – пост	Бош ва ёрдамчи детерминантлар				Регрессия коэффициентлари		
		Δ	Δ_{01}	Δ_{02}	Δ_{03}	α_{01}	α_{02}	α_{03}
1	Чотқол – Худойдотсой	0,373	0,241	0,100	0,033	0,647	0,256	0,090
2	Писком – Муллала	0,373	0,289	0,143	0,066	0,775	0,383	0,177
3	Ойгаинг – қуйилиши	0,373	0,262	0,201	0,182	0,709	0,539	0,448
4	Чиралма – қуйилиши	0,646	0,411	0,330	0,179	0,636	0,510	0,277
5	Майдонтол – қуйилиши	0,373	0,273	0,149	0,094	0,733	0,400	0,253
6	Наволисой – Сижжак	0,373	0,222	0,199	0,060	0,684	0,242	0,094
7	Угом – Хўжакент	0,373	0,255	0,178	0,035	0,684	0,242	0,094

Уқорида қайд этилган чизиқли тенгламалардан иборат бўлган системадаги номаълум регрессия коэффициентлари аниқлангач, улар асосида нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилди (6-жадвал).

6-жадвал

Нормаллаштирилган регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги

Таблица 6

Нормализованные уравнения регрессии и их точность

Table 6

Normalized regression equations and their accuracy

Т.р.	Дарёлар	Нормаллаштирилган регрессия тенгламалари	$r_0 \pm \sigma_{r_0}$
1	Чотқол	$U_0(Q)=0,647 \cdot U_1(X_K)+0,265 \cdot U_2(X_E)+0,090 \cdot U_3(t_E)$	$0,781 \pm 0,075$
2	Писком	$U_0(Q)=0,775 \cdot U_1(X_K)+0,383 \cdot U_2(X_E)+0,177 \cdot U_3(t_E)$	$0,970 \pm 0,011$
3	Ойгаинг	$U_0(Q)=0,709 \cdot U_1(X_K)+0,539 \cdot U_2(X_E)+0,488 \cdot U_3(t_E)$	$0,798 \pm 0,070$
4	Чиралма	$U_0(Q)=0,636 \cdot U_1(X_K)+0,510 \cdot U_2(X_E)+0,277 \cdot U_3(t_E)$	$0,967 \pm 0,010$
5	Майдонтол	$U_0(Q)=0,733 \cdot U_1(X_K)+0,400 \cdot U_2(X_E)+0,253 \cdot U_3(t_E)$	$0,925 \pm 0,028$
6	Наволисой	$U_0(Q)=0,595 \cdot U_1(X_K)+0,534 \cdot U_2(X_E)+0,161 \cdot U_3(t_E)$	$0,924 \pm 0,103$
7	Угом	$U_0(Q)=0,684 \cdot U_1(X_K)+0,242 \cdot U_2(X_E)+0,094 \cdot U_3(t_E)$	$0,881 \pm 0,042$

Ўрганилаётган ҳар бир дарё учун олинган нормаллаштирилган регрессия тенгламаларига гидрометеорологик элементлар, аниқроғи, функцияга ҳар бир аргументнинг қўшган ҳиссаси аниқланди. Биз кўриб чиқаётган ҳолатда дарёлар ўртача йиллик сув сарфларининг нормаллаштирилган қийматлари $[U_0(Q)]$ функция вазифасини ўтаса, қишки ёғинлар $[U_0(X_K)]$, ёзги ёғинлар $[U_0(X_E)]$ ва ёзги ҳаво ҳароратининг нормаллаштирилган қийматлари эса унинг аргументларидир. Ҳисоблашлар Г.А.Алексеев [Алексеев, 1971] таклиф этган ифодалар ёрдамида бажарилди (7-жадвал).

7-жадвал

Аргументларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламаларига қўшган ҳиссалари

Таблица 7

Вклад аргументов в уравнения нормализованной регрессии


Table 7

Contribution of arguments to the normalized regression equation

Т.р.	Дарё – пост	Қишки ёғинлар ҳиссаси, $\delta(X_K)$	Ёзги ёғинлар ҳиссаси, $\delta(X_E)$	Ҳароратнинг ҳиссаси, $\delta(t_E)$
1	Чотқол – Худойдотсой д.к.	76,1	19,2	4,8
2	Писком – Муллала қ.	70,9	22,2	6,9
3	Ойгаинг – куйилиши	81,9	13,8	4,3
4	Чиралма – куйилиши	46,8	28,1	2,3
5	Майдонтол – куйилиши	68,5	22,9	8,6
6	Наволисой – Сижжак қ.	51,7	40,0	8,3
7	Угом – Хўжакент қ.	73,4	20,7	5,9

Бажарилган ҳисоблашлар натижалари таҳлилларига кўра, тадқиқотимизда ўрганилган дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига метеорологик омиллар қўшган ҳиссаларининг турлича эканлиги аниқланди. Жумладан, қор кўринишида ёғадиган қишки ёғинларнинг ҳиссалари $[\delta(X_K)]$ турли дарёларда 51,7÷81,9 % ораликда ўзгаради. Асосан ёмғир шаклидаги ёзги ёғинларнинг ҳиссалари $[\delta(X_E)]$ эса, нисбатан кичик бўлиб,

13,8÷40 % оралиқни ташкил этади. Дарёларнинг тўйинишида эриган муз сувларининг улушини ифодалайдиган ҳаво ҳароратининг ҳиссалари $[\delta(t_{\varepsilon})]$ энг кичик қийматларда бўлиб, 2,3÷8,64 % оралиқда ўзгаради (1-расм).



1-расм. Дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига метеорологик омилларнинг қўшган ҳиссалари

Рис. 1. Вклад метеорологических факторов в формирование стока рек

Fig. 1. Contribution of meteorological factors to the formation of river stock

Демак, Чирчиқ ҳавзаси дарёлари йиллик оқимининг ҳосил бўлишида қишки (X_{κ}) ёғинларнинг ҳиссалари устувор аҳамиятга эга. Бу жараёнда ёзги (X_{ε}) атмосфера ёғинларининг ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати (t_{ε}) нинг улушлари эса нисбатан кичикдир. Ушбу натижалар В.Л.Щульц [Щульц, 1965] ва О.П.Щеглова [Щеглова, 1960] ларнинг классик ёндашувлари асосида ишлаб чиққан таснифларининг нақадар ишончли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бажарилган тадқиқот натижалари асосида **хулоса** қилиб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

1. Чирчиқ ҳавзасидаги еттита дарё калит тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди. Мазкур дарёлардаги гидрологик постларда кузатилган сув сарфлари маълумотлари таҳлил қилиниб, улардаги узилишлар аналог дарёлар ёрдамида тикланди. Шу мақсадда қўлланилган регрессия тенгламаларининг аниқлиги $r=0,742\pm 0,059$ ва $r=0,947\pm 0,014$ оралиқда ўзгарадиган жуфт корреляция коэффициентлари билан ифодаланади.

2. Дарёлардаги гидрологик постларда ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари ($Q_{\text{й}}$) билан қишки (X_{κ}) ва ёзги (X_{ε}) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати (t_{ε}) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар Г.А.Алексеев усулида статистик баҳоланди. Натижада, ҳар бир дарё учун нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилди. Ушбу тенгламаларнинг аниқлиги юқори бўлиб, $r_0=0,781\pm 0,075$ ва $r_0=0,970\pm 0,011$ оралиқда ўзгарадиган тўлиқ корреляция коэффициентлари билан ифодаланади. Улардан Чирчиқ ҳавзаси дарёлари билан боғлиқ бўлган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилади.

3. Тадқиқотда ўрганилган дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига метеорологик омилларнинг қўшган ҳиссалари баҳоланди. Ҳисоблашлар натижалари

тахлилларига кўра, бу жарёнда қишки ёғинларнинг ҳиссалари катта бўлиб, уларнинг қийматлари турли дарёларда 52÷82 фоиз ораликда ўзгаради. Ёзги ёғинларнинг ҳиссалари эса қишки ёғинларга нисбатан бир мунча кам бўлиб, улар Ойгаинг дарёсида 14 % дан Наволисойда 40 % гача ораликдаги қийматларни ташкил этди. Ёзги ҳаво ҳароратининг нормаллаштирилган регрессия тенгламаларига кўшган улушлари янада кичик бўлиб, 4÷9 % атрофида ўзгаради.

4. Чирчиқ ҳавзаси дарёлари мисолида бажарилган мазкур тадқиқотда олинган натижалар маълум даражада илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, улардан ушбу ҳавза дарёлари билан боғлиқ бўлган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозларга тегишли бўлган масалаларни ҳал этишда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

5. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, Чирчиқ ҳавзаси дарёлари оқими миқдорларини аниқлаш ва прогнозлашга замин яратадиган ҳисоблашларнинг мазкур ишда қўлланилган усуллари ва ёндашувларини келажакда бошқа ҳавзалар дарёлари мисолида кўриб чиқиш, уларни янада такомиллаштириш имконини беради, деган фикрдамыз.

Миннатдорчилик. Муаллифлар ушбу илмий мақолани тайёрлашда зарур бўлган гидрометеорологик маълумотларни тўплашда кўрсатган ёрдамлари учун Ўзгидромет тасарруфидаги Гидрометфонд ходимларига чексиз ташаккур изҳор этадилар.

Муаллифлар ҳиссаси. **Ф. Ҳикматов:** мақола ғоясини аниқлаштириш, методология, тадқиқот объектини танлаш, натижалар таҳлили, улардан илмий ва амалий хулосалар чиқариш. **З.Ф. Ҳақимова:** мақола ғоясини қўллаб қувватлаш, ҳисоблашларни бажариш, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **Д.М. Турғунов:** мақола ғоясини қўллаб қувватлаш, ҳисоблаш усуллари танлаш ва уларни тадқиқотда қўллаш, натижалар таҳлили ва уларни умумлаштириш, илмий хулосалар чиқариш, мақолани расмийлаштириш.

АДАБИЁТЛАР

Алексеев Г.А. Объективные методы выравнивания и нормализации корреляционных связей. – Л.: Гидрометеоиздат, 1971. – 363 с.

Большаков М.Н. Водные ресурсы рек советского Тянь-Шаня и методы их расчета. – Фрунзе: Илим, 1974. – 306 с.

Давыдов Л.К., Корженевский Н.Л. Влияние метеорологических факторов на режим р.Нарына // Тр. Средазмета. – Ташкент, 1929. – Том 1. – Вып.2. – С. 79-144.

Закономерности гидрологических процессов. Под редакцией Н.И.Алексеевского. – М.: ГЕОС, 2012. – 736 с.

Ольдекоп Э.М. Зависимость режима р.Чирчиқ от метеорологических факторов // Тр. Метеорол. отдела гидром. части в Туркестанском крае. – 1918, вып. 89. – 83 с.

Турғунов Д.М., Назарқулов О.А., Гулмурзаева Б.А. Тоғ дарёлари сувлилик даражасининг ўзгаришига атмосфера ёғинлари турларининг таъсирини статистик баҳолаш (Писком дарёси мисолида) // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 58-жилд. – Тошкент, 2020. – Б. 208-214.

Турғунов Д.М., Сазонов А.А., Ҳикматов Ф.Х., Фролова Н.Л. Маловодья на горных реках Республики Узбекистан: причины и особенности // Вестник МГУ Московского университета. Серия 5. География. – М.: № 1. 2020. – С. 23-34.

Ҳақимова З.Ф. Тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг кўшган ҳиссаларини баҳолаш / Иқлим ўзгариши шароитида гидрометеорологик тадқиқотлар: долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2022. – Б. 77-80.

Ҳақимова З.Ф., Собирова Н.Р. Вопросы долгосрочных прогнозов стока горных рек на период вегетации / Использование водных ресурсов в условиях изменения климата. Материалы международной научно-практической конференции в рамках 32-й Международной специализированной выставки «Агрокомплекс-2022». – Уфа, 2022. – С. 37-41.

Хакимова З.Ф., Собирова Н.Р., Мўминова Д.Д., Фуломов С.Ф. Трансчегаравий Чирчик хавзаси дарёлари оқимиға ҳаво ҳароратининг таъсирини баҳолаш / Марказий Осиё ва қўшни минтақалардаги трансчегаравий ҳудудлар: ҳамкорлик имкониятлари ва муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2022. – Б. 129-132.

Хакимова З.Ф., Мўминова Д.Д. Дарёлар оқимиға атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг таъсирини статистик баҳолаш / Географик тадқиқотлар: инновацион ғоялар ва ривожланиш истикболлари. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2022. – Б. 647-650.

Хикматов Ф.Х., Тургунов Д.М. Маловодные годы на реках Средней Азии и их зависимость от климатических факторов / Использование водных ресурсов в условиях изменения климата. Материалы международной научно-практической конференции в рамках 32-й Международной специализированной выставки «Агрокомплекс-2022». – Уфа, 2022. – С. 3-8.

Хикматов Ф.Х., Юнусов Ф.Х., Хакимова З.Ф. и др. Закономерности формирования водных ресурсов горных рек в условиях изменения климата. Монография. – Ташкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 232 с.

Шульц В.Л. Реки Средней Азии. – Л.: Гидрометеоздат, 1965. – 695 с.

Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. – Ташкент: Изд-во СамГУ, 1960. – 243 с.

СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА СВЯЗИ МЕЖДУ СТОКОМ РЕК БАССЕЙНА ЧИРЧИКА И КЛИМАТИЧЕСКИМИ ФАКТОРАМИ

Ф. ХИКМАТОВ¹, З.Ф. ХАКИМОВА¹, Д.М. ТУРГУНОВ²

¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, hikmatov_f@mail.ru, zilola_khakimova@inbox.ru

² Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, turgunov1987@gmail.com

Аннотация. Статья посвящена статистической оценке связей между стоком рек бассейна Чирчика и климатическими факторами. С этой целью, на основе применения объективного метода выравнивания и нормализации корреляционных связей, произведены расчеты многофакторной связи между средними годовыми расходами воды и климатическими факторами – атмосферными осадками и температурной воздуха. Получены уравнения нормализованной регрессии, а также произведена оценка вкладов аргументов в нормализованные уравнения регрессии. Полученные уравнения регрессии предложены использовать на практике гидрологических расчетов и прогнозов.

Ключевые слова: река, расход воды, климатические факторы, зимние осадки, летние осадки, температура воздуха, коэффициент корреляции, уравнения регрессии, вклады аргументов.

STATISTICAL EVALUATION OF THE RELATIONSHIP BETWEEN RIVER FLOW IN THE CHIRCHIK BASIN AND CLIMATIC FACTORS

F. KHAKIMOV¹, Z.F. KHAKIMOVA¹, D.M. TURGUNOV²

¹ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, hikmatov_f@mail.ru, zilola_khakimova@inbox.ru

² Hydrometeorological Research Institute, turgunov1987@gmail.com

Abstract. The article is devoted to the statistical assessment of the relationship between the runoff of the rivers in the Chirchik basin and climatic factors. For this purpose, based on the application of an objective method of equalizing and normalizing correlations, calculations of a multifactorial relationship between the average annual water flow and climatic factors - precipitation and air temperature were made. The normalized regression equations are obtained, and the estimation of the

contributions of the arguments to the normalized regression equations is made. The resulting regression equations are proposed to be used in practice of hydrological calculations and forecasts.

Keywords: *river, water discharge, climatic factors, winter precipitation, summer precipitation, air temperature, correlation coefficient, regression equations, contributions of arguments.*

REFERENCES

Alekseyev G.A. Obektivnie metodi viravnivaniya i normalizatsii korrelyatsionnix svyazey [Objective methods of alignment and normalization of correlations]. – L.: Gidrometeoizdat, 1971. – 363 s. (in Russian)

Bolshakov M.N. Vodnie resursi rek Sovetskogo Tyan-Shanya i metodi ix rascheta [Water resources of the rivers of the Soviet Tien Shan and methods of their calculation]. – Frunze: Ilim, 1974. – 306 s. (in Russian)

Davidov L.K., Korjenevskiy N.L. Vliyaniye meteorologicheskix faktorov na rejim r. Narina [The influence of meteorological factors on the regime of the Narin River] // Tr. Sredazmeta. – Tashkent, 1929. – Tom 1. – Vip.2. – S. 79-144. (in Russian)

Zakonomernosti gidrologicheskix protsessov [Regularities of hydrological processes]. Pod redaksiyey N.I.Alekseyevskogo. – M.:GEOS, 2012. – 736 s. (in Russian)

Oldekop E.M. Zavisimost pejmima r.Chirchik ot meteorologicheskix faktorov [Dependence of Chirchik River mode from meteorological factors] // Tr. Meteorol. otдела gidrom. chasti v Turkestanskom krae. – 1918. – Vip. 89. – 83 c. (in Russian)

Turgunov D.M., Nazarqulov O.A. Gulmurzayeva B.A. Tog daryolari suvlilik darajasini ozgarishiga atmosfera yog'inlari turlarining ta'sirini statistik baholash (Piskom daryosi misolida) [Statistical assessment of the influence of types of atmospheric precipitation on changes in the water level of mountain rivers (in the case of Piskom River)] // O'zbekiston geogpafiya jamiyati axboroti. 58-jild. – Toshkent, 2020. – B. 208-214. (in Uzbek)

Turgunov D.M., Sazonov A.A., Khikmatov F.X., Frolova N.L. Malovodya na gornix rekax Respubliki Uzbekistan: prichini i osobennosti [Low water on the mountain rivers of the Republic of Uzbekistan: causes and features] // Vestnik MGU Moskovskogo universiteta. Seriya 5. Geografiya. – M.: № 1. 2020. – S. 23-34. (in Russian)

Khakimova Z.F. Tog daryolari okimining hosil bolishiga iklimiy omillarning koshgan hissalarini baholash [Assessment of the contribution of climatic factors to the formation of mountain streams] // Iqlim o'zgarishi sharoitida gidrometeorologik tadqiqotlar: dolzarb muammolar va ularning yechimlari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2022. – B. 77-80. (in Uzbek)

Khakimova Z.F., Sobirova N.R. Voprosi dolgosrochnix prognozov stoka gornix rek na period vegetatsii [Issues of long-term forecasts of mountain river runoff for the growing season] // Ispolzovaniye vodnix resursov v usloviyax izmeneniya klimata. Materiali mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii v ramkax 32-y Mejdunarodnoy spetsializirovannoy vistavki agrokompleks. – Ufa, 2022. – S. 37-41. (in Russian)

Khakimova Z.F., Sobirova N.R., Mominova D.D., Gulomov S.G. Transchegaraviy Chirchik havzasi daryolari oqimiga havo haroratining tasirini baholash [Assessment of the influence of air temperature on the flow of rivers of the transboundary Chirchik basin] // Markaziy Osiyo va qo'shni mintaqalardagi transchegaraviy hududlar: hamkorlik imkoniyatlari va muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. -Samarkand, 2022. – B. 129-132. (in Uzbek)

Khakimova Z.F., Mo'minova D.D. Daryolar oqimiga atmosfera yog'inlari va havo haroratining ta'sirini statistik baholash [Statistical assessment of the influence of atmospheric precipitation and air temperature on the flow of rivers] // Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 2022. – B. 647-650. (in Uzbek)

Khikmatov F.X., Turgunov D.M. Malovodnie godi na rekax Sredney Azii i ix zavisimost ot klimaticheskix faktorov [Dry years on the rivers of Central Asia and their dependence on climatic factors] / Ispolzovaniye vodnix resursov v usloviyax izmeneniya klimata. Materiali mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii v ramkax 32-y Mejdunarodnoy spetsializirovannoy vistavki «Agrokompleks-2022». – Ufa, 2022. – S. 3-8. (in Russian)

Shuls V.L. Reki Sredney Azii [Rivers of Central Asia]. Ch. 1,2. – L.: Gidrometeoizdat, 1965. – 691 s. (in Russian)

Sheglova O.P. Pitaniye rek Sredney Azii [Feeding the rivers of Central Asia]. – Tashkent: Izd-vo SamGU, 1960.-243 s. (in Russian)

УДК:551.48(556.55)

ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЛОГИК ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ШАРОИТЛАРИ (ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ МИСОЛИДА)

Д.М. ТУРҒУНОВ¹

¹ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, turgunovd1987@gmail.com

Аннотация. Мақолада қурғоқчилик тушунчаси ва уни ўрганишининг аҳамияти ёритилган. Қурғоқчиликнинг келиб чиқишига кўра турлари ҳақида тушунча берилган. Тадқиқотда Чирчиқ ҳавзасининг табиий режими сақланиб қолган 10 та тоғ дарёлари ва сойлари мисолида, янги илмий ёндашув асосида, гидрологик қурғоқчиликни тавсифловчи катталик ва уни ҳисоблаш ифодаси таклиф этилган. Ҳисоблашлар натижаларига таянган ҳолда, гидрологик қурғоқчилик кузатиладиган йиллар статистик таҳлил қилинган. Гидрологик қурғоқчиликнинг метеорологик қурғоқчиликка боғлиқлиги, ўз навбатида, метеорологик қурғоқчиликнинг атмосфера ёгинлари миқдори ва ҳаво ҳарорати таъсирида намоён бўлиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: дарё, дарё ҳавзаси, атмосфера ёгинлари, метеорологик қурғоқчилик, сув сарфи, гидрологик қурғоқчилик, қишлоқ хўжалиги қурғоқчилиги, ижтимоий-иқтисодий қурғоқчилик.

Кириш. Ҳозирги кунда, иқлим ўзгариши шароитида, жаҳонда сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада БМТнинг сув ресурсларининг ҳолати ҳақидаги докладида қайд этилганидек, « ... бугунги кунда 3,6 миллиард киши йил давомида камида бир ой сув ресурслари тақчиллиги кузатиладиган ҳудудларда яшайдилар, 2050 йилга бориб, аҳоли сони янада ортади ва ушбу кўрсаткич 4,8-5,7 миллиард кишига етиши мумкин» [Всемирный доклад ООН о состоянии водных ресурсов, 2018]. Табиийки, бундай салбий ҳолат кам сувли йиллар ва унинг оқибатида келиб чиқадиган гидрологик қурғоқчилик таъсирида янада тифизлашади.

Шу туфайли мазкур масалалар тадқиқоти Н.А.Агальцева [Агальцева ва бошқ., 2010], Н.И.Алексеевский, Н.Л.Фролова [Алексеевский, Фролова, 2011], Ю.С.Ковалев [Ковалев, Мавлонов, 2008], М.Д. Трубецкова [Трубецкова, 2012], Ф.Х.Хикматов [Хикматов, Турғунов, 2017; Turgunov, Khikmatov, 2018], А.К.Fleig [Fleig et al., 2006], J.Hannaford [Hannaford et al., 2011], V.U.Smakhtin [Smakhtin, 2001], A.F.Van Loon [Van Loon et al., 2012; 2014; 2015] каби олимлар эътиборидан четда қолмаган. Мазкур муаммони иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи эса, Э.М.Ольдекоп [Ольдекоп, 1918], А.Р.Расулов, Ф.Х.Хикматов [Расулов, Хикматов, 2003], В.Е.Чуб [Чуб, 2007], В.Л.Шульц [Шульц, 1965] ва бошқаларнинг изланишлари натижаларини ҳисобга олмаганда, гидрологик адабиётларда яхши ёритилмаган. Шу туфайли мазкур гидрологик жараёнларни иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда чуқурроқ ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, гидрологик қурғоқчиликнинг шаклланиши кам сувли йиллардаги сув ресурслари тақчиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Гидрологик қурғоқчилик натижасида сув ресурслари тақчиллиги янада ортади. Бугунги кунда, глобал иқлим ўзгариши шароитида, гидрологик қурғоқчилик жараёнини метеорологик қурғоқчиликни тавсифловчи катталиклар ёрдамида ўрганиш гидрологиянинг **долзарб** масалаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёларда кам сувлилик туфайли намоён бўладиган гидрологик қурғоқчиликнинг шаклланиши шароитларини уни тавсифловчи гидрометеорологик катталиклар ёрдамида ўрганишдан иборат.

Мазкур ишда, тадқиқот объекти сифатида, Чирчиқ дарёси ҳавзасининг табиий гидрологик режими сақланиб қолган 10 та тоғ дарёлари танланди. Уларнинг асосий гидрологик кўрсаткичлари, жумладан, ўртача кўп йиллик сув сарфлари (Q_0), оқим модуллари (M_0), сув сарфларидан иборат каторларнинг вариация коэффицентлари (C_v), ҳар бир дарё учун Шульц коэффицентлари (δ), дарёлар йиллик оқимининг мавсумий тақсимланиши ҳисобланди (1-жадвал).

1-жадвал

Чирчиқ ҳавзасидаги тоғ дарёларининг асосий гидрологик кўрсаткичлари

Таблица 1

Основные гидрологические показатели горных рек бассейна Чирчика

Table 1

Main hydrological indicators of mountain rivers in the Chirchik basin

Т.р.	Дарё - пункт	Кузатув даври	F, км ²	H, м	Q ₀ , м ³ /с	M ₀ , л/(с·км ²)	C _v	δ	Ўртача кўп йиллик оқимнинг йил давомида тақсимланиши, %		
									III-VI	VII-IX	X-II
1	Чотқол – Худойдотсой д.к.	1965-2016	6580	2660	111	16,9	0,27	0,50	56	28	16
2	Писком – Муллала қ.	1965-2016	2540	2740	77,4	30,5	0,2	0,78	47	38	15
3	Ойгаинг – қуйилиши	1965-2016	1010	3010	28,7	28,4	0,19	1,03	42	43	15
4	Окбулоқ – қуйилиши	1981-2016	886	2400	19,4	21,9	0,31	0,33	65	21	14
5	Угом – Хўжакент қ.	1965-2016	869	2030	22,8	26,2	0,26	0,32	63	20	17
6	Майдонтол – қуйилиши	1965-2016	471	3130	18,6	39,5	0,19	0,92	45	41	14
7	Чиралма – қуйилиши	1965-2016	103	2700	3,10	30,1	0,33	0,44	62	27	11
8	Наволисой – Сижжак қ.	1965-2016	99,4	1650	3,84	38,6	0,33	0,38	55	21	24
9	Янгикўрғонсой – Янгикўрғон қ.	1965-2016	33,7	2200	0,68	20,2	0,41	0,3	60	18	22
10	Чимёнсой – Чимён қ.	1967-2016	23,3	1530	0,30	12,9	0,32	0,39	52	20	28

Изоҳ: F – ҳавза майдони; H – ҳавзанинг ўртача баландлиги; Q₀ – ўртача кўп йиллик сув сарфи; M₀ – ўртача кўп йиллик оқим модули; C_v – вариация коэффицентлари, δ – В.Л.Шульц коэффицентлари.

Тадқиқотда географик умумлаштириш, гидрологик ўхшашлик, гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, математик статистика, жумладан, корреляцион боғланишларни баҳолашнинг объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш каби усулларидан фойдаланилган.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Дунё аҳолиси узоқ йиллар давомида кўплаб табиий офатлардан азият чекиб келмоқда. Улар ичида қурғоқчилик ўта

хавфли бўлиб, инсонларга келтирган ижтимоий ва иқтисодий зарари бўйича энг олдинги ўринларда туради (2-жадвал).

Ўзбекистон тез-тез қурғоқчиликка учрайдиган қурғоқчил ва ярим қуруқ (арид) ерлар зонасида жойлашган. Сўнгги йигирма йил ичида Ўзбекистон дарёлари ҳавзалари бир қатор экстремал гидрологик қурғоқчиликни бошидан кечирди. Натижада, қурғоқчиликдан зарар кўрган ҳудудларда 50% дан 75% гача ҳосил нобуд бўлган [Drought ..., 2017]. Айниқса, охириги 10 йилликларда кузатилаётган қурғоқчиликлар аҳолининг турмуш даражасига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хатар солмоқда. Маълумотларга кўра, 2000-2001 йиллардаги қурғоқчиликда дон ишлаб чиқариш 10% га, пахта 17% га ва гуруч 60% га камайган. Ушбу қурғоқчилик оқибатида етказилган ялпи зарар 130 млн АҚШ долларига баҳоланмоқда [World ..., 2006]. Сўровлар натижасида, аниқландики, шу йилларда 94% фермерлар қурғоқчилик билан боғлиқ бўлган турли хил муаммоларга дуч келишган [Агальцева ва бошқ., 2010].

2-жадвал

Дунё аҳолисининг турли табиий офатлар туфайли жабр кўрган ва ҳалок бўлганлари улушлари (1967-1991 йй.)

Таблица 2

Доля соотношений населения Мира, пострадавших и умерших от различных природных бедствий (1967-1991 гг.)

Table 2

Proportion of ratios of the world's population affected and killed by various natural disasters (1967-1991)

Табиий офатлар (ТО) тури	Жабр кўрганлар, %	Ҳалок бўлганлар, %
<i>Иқлимий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ТО</i>		
Қурғоқчилик	50,8	38,1
Сув тошқини	37,8	8,7
Циклон, довул, бўрон	7,8	27,1
<i>Геологик ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ТО</i>		
Зилзила	1,5	18,1
Вулқон фаолияти	0,1	0,1
Бошқа турдаги	2,0	8,0
Ҳаммаси	100,0	100,0

Изоҳ: 1. Фоидаланган улуш жабр кўрган ва ҳалок бўлганларнинг умумий сонига нисбатан ҳисобланган; 2. Умумий ҳисобда жабр кўрганлар – 2,8 млрд. киши, ҳалок бўлганлар – 3,5 млн. киши.

Қурғоқчилик деганда, аксарият ҳолларда сув тақчиллиги муаммоларини келтириб чиқарадиган, узоқ вақт сақланиб турувчи қуруқ ҳаво массалари ва иссиқ ҳаво ҳарорати тушунилади. Шунингдек, қурғоқчилик аҳолининг сув ва бошқа табиий ресурсларни нисбатан кўп сарфлаши билан ҳам намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қурғоқчилик турли минтақаларда турлича кўринишларда содир бўлади. Ушбу ҳолатлар инobatга олиниб, дунё амалиётида қурғоқчилик кўйидаги категорияларга ажратилади: метеорологик қурғоқчилик, гидрологик қурғоқчилик, қишлоқ хўжалиги қурғоқчилиги, ижтимоий-иқтисодий қурғоқчилик.

Метеорологик қурғоқчилик ҳаводаги намликнинг камайиши, ҳароратнинг эса ортиши ҳамда атмосфера ёгинлари миқдорининг кўп йиллик меъёрга нисбатан кескин камайиши натижасида вужудга келади [Агальцева ва бошқ., 2010; Van Loon ва бошқ. 2012; 2014; 2015].

Гидрологик қурғоқчилик дарёлар, сойлар ва бошқа сув объектларида сув миқдорининг камайиши билан боғлиқ. Сув объектларига антропоген омиллар


таъсирининг ортиши гидрологик қурғоқчиликнинг янада чуқурроқ ўтишига олиб келади. Гидрологик қурғоқчилик метеорологик қурғоқчилик билан узвий боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги қурғоқчилиги экинлар етиштиришнинг турли босқичларида уларнинг сувга бўлган эҳтиёжларининг ортишида кузатилади. Масалан, экинларни экиш вақтида намнинг етарли даражада бўлмаслиги ниҳолларнинг ўта суғ ривожланишига, бунинг оқибатида эса экинлар ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади.

Ижтимоий-иқтисодий қурғоқчилик сувга бўлган талаб унинг мавжуд таъминотидан ошганда юзага келади. Масалан, дарёларда кам сувлилик туфайли улар ўзанига қурилган гидроэлектростанцияларда электр энергиясини ишлаб чиқариш камаяди, лекин, бу даврда электр энергиясига бўлган талаб камаймайди [White et al., 2010].

Тадқиқотда дарёларда кузатилган ўртача ойлик сув сарфларининг таъминланиши таҳлил қилинди ва шу мақсадда таъминланиш эгри чизиги графиги чизилди. Барча дарёлар учун мазкур сув сарфлари таъминланишнинг 90% га тўғри келувчи чегара қийматлари аниқланиб, улар асосида дарёларда сув ресурслари тақчиллиги микдорий қийматларда баҳоланди.

Тоғ дарёларида сув тақчиллигини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида улардаги сув ресурслари тақчиллигининг ҳажмларда ифодаланган микдорларининг йиллараро тебраниши ўрганилди (1-расм).



1-расм. Писком дарёсида сув ресурслари тақчиллигининг йиллараро ўзгариши

Рис. 1. Многолетние изменения дефицита водных ресурсов реки Пскем

Fig. 1. Long-term changes in the deficit of water resources of the Pskem River

Ўрганилаётган 1965-2016 йиллар давомида Писком дарёсида сув ресурслари тақчиллигининг энг катта микдори 1976 йилда кузатилган. Худди шу каби ҳолат 1982-1986 йиллар оралиғида ҳам кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби 1974-1976 йиллар ва 1982-1986 йиллар давомида Писком метеорологик станциясида қайд этилган йиллик атмосфера ёгинлари ҳам меъёрга нисбатан кам бўлганлиги билан изоҳланади. Ушбу ҳолатларни инobatга олиб, 1974-1976 йиллар ва 1982-1986 йилларда Писком дарёси ҳавзасида гидрологик қурғоқчилик кузатилган, деб хулоса қилишимиз мумкин (1-расм).

Қайд этиш лозимки, Писком дарёсида 1990, 1994, 1998 ва 2002 йилларда кўп сувли бўлган. Бироқ, кам сувли 1989 йил 1990 йилнинг январь ва февраль ойларида сув ресурслари тақчиллигига олиб келган. Кўп сувли 1994 ва 1998 йилларнинг январь ва февраль ойларида шаклланган сув ресурслари тақчиллиги ҳам 1993 ва 1997 йилларнинг кам сувли бўлганлиги билан боғлиқ. Қайд этилган кўп сувли 1990, 1994 ва 1998 йилларда Писком дарёси ҳавзасига тушган йиллик атмосфера ёғинлари Писком метеорологик станциясида қайд этилган кўп йиллик меъёрдан, мос равишда, 1,24, 1,24 ва 1,45 марта кўп бўлган. Бошқача айтганда, қайд этилган йилларда қиш фаслида ёққан атмосфера ёғинлари ҳаво ҳароратининг пастлиги туфайли эримаганлиги ҳамда баҳор фаслида ёққан ёғинларининг ҳиссаси катта бўлганлиги боис, январь ва февраль ойларида сув ресурслари тақчиллиги кузатилган, яъни бу ойларда ўртача ойлик сув сарфлари чегара (таъминланишнинг 90 %) қийматидан ҳам кичик бўлган. Лекин, баҳорги ёғинларнинг самарадорлиги ортанлиги ҳисобига 1990, 1994 ва 1998 йилларда гидрологик қурғоқчилик кузатилмаган.

Жаҳон амалиётида сув ресурслари тақчиллигининг чуқурлашувини ифодалаш учун «SEV» катталигидан кенг фойдаланилади [Алексеевский, Фролова, 2011]. Мазкур катталик қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$SEV = \frac{\Delta V}{T}, \quad (1)$$

бу ерда: ΔV – ўртача ойлик сув сарфларининг 90% таъминланишидаги чегара қийматидан кичик бўлган миқдорлари учун ҳисобланган оқим ҳажми, млн. м³; T – сув ресурслари тақчиллигининг давомийлиги (ойлар ҳисобида). Ушбу ифода ёрдамида тадқиқот ишида ўрганилаётган барча дарёлар учун «SEV» катталиги ҳисобланди.

Дарёлар ҳавзаларида гидрологик қурғоқчиликни тавсифлаш учун юқоридаги ифодадан фойдаланиш имконияти чекланган. Чунки, ушбу ифодада метеорологик қурғоқчилик ҳисобга олинмаган. Зотан, гидрологик қурғоқчиликнинг шаклланишида метеорологик омилларнинг роли беқиёсдир [Shiklomanov ва бошқ, 2008; Turg'unov, Khikmatov, 2018].

Юқорида баён этилганидек, метеорологик қурғоқчилик, биринчи навбатда, ҳаво ҳарорати, ҳавода намлик этишмаслиги ва ёғинлар билан тавсифланувчи муайян об-ҳаво шароитларининг оқибати ҳисобланади. Ҳозирги кунда Бутунжаҳон метеорология ташкилоти томонидан метеорологик қурғоқчиликнинг асосий индексларидан бири сифатида - стандартлаштирилган ёғинлар индекси (SPI) қўлланилиб келинмоқда. Мазкур индекс қуйидагича ҳисобланади:

$$SPI = \left[\frac{X - \bar{X}}{\bar{X}} \right] \times 100\%, \quad (2)$$

бу ерда: X – атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори; \bar{X} – уларнинг ўртача кўп йиллик қиймати (меъёри), мм.

Ўзбекистоннинг тоғолди ҳудудларида баҳорда $SPI < 50\%$ бўлган ўта кучли метеорологик қурғоқчилик 100 йилда 1-3 марта кузатилади. Баҳорги ёғинлар кам кузатилган метеорологик қурғоқчилик ($SPI < 20\%$) 30% эҳтимоллик билан қайд этилади. Чўл ва чалачўл ҳудудларида ўта кучли баҳорги қурғоқчилик ($SPI < 50\%$) 10 йилда ўртача бир марта кузатилади, $SPI < 20\%$ бўлган қурғоқчилик эса 10 йилда 3-4 марта қайд этилади.

Таъкидлаш лозимки, гидрологик ҳисоблашларни бажаришда SPI мутлак қийматларини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:


$$SPI = \frac{X - \bar{X}}{\bar{X}} \quad (3)$$

Ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики, агар ўрганилаётган йилда атмосфера ёгинлари кўп йиллик меъёрга нисбатан кам бўлса, *SPI* индексининг миқдорий қиймати манфий ишорада бўлади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳолда, гидрологик қурғоқчилик (Γ_k) ни тавсифлаш учун қуйидаги нисбатни таклиф этамиз:

$$\Gamma_k = \frac{SEV}{SPI} \quad (4)$$

Ишда тадқиқот объекти сифатида танланган барча дарёлар учун Γ_k катталигининг миқдорий қийматлари ҳисобланди. Бунда Писком метеорологик станциясида қайд этилган йиллик атмосфера ёгинлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаландик. Ҳисоблашлар натижалари асосида Γ_k катталигининг йилларо ўзгариши масаласи атмосфера ёгинлари йиллик миқдорларининг тебранишлари билан бирга ўрганилди (2-расм).



2-расм. Писком дарёси ҳавзасида атмосфера ёгинлари ва гидрологик қурғоқчиликнинг йилларо ўзгариши

Рис. 2. Многолетние изменения атмосферных осадков и гидрологической засухи в бассейне реки Пскем


Fig. 2. Long-term changes in atmospheric precipitation and hydrological drought in the Pskem river basin

Графикнинг таҳлили шуни кўрсатадики, гидрологик қурғоқчилик атмосфера ёгинлари миқдори билан бевосита боғлиқдир. Масалан, атмосфера ёгинлари меъёрдан кам бўлган 1974-1977 йиллар ва 1980-1984 йиллар оралиғида кетма-кет гидрологик қурғоқчилик кузатилган. Гидрологик қурғоқчиликнинг чуқурлашуви 2000 йилда қайд этилган. Мазкур йилда Писком дарёси ҳавзасига тушган атмосфера ёгинлари кўп йиллик меъёр (865 мм)нинг атиги 69 фоизини ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, 2008 йилда ҳам атмосфера ёгинлари меъёрдан кам бўлган. Лекин, ушбу йилда дарёда сув ресурслари тақчиллиги кузатилмаган, яъни Писком дарёсида 2008 йил давомида ўртача ойлик сув сарфлари таъминланишнинг 90% га тенг бўлган сув сарфи ($21,9 \text{ м}^3/\text{с}$)дан кичик бўлмаган. Бунинг сабаби шундаки, Писком

дарёси асосан қор ва қисман муз сувларидан тўйиниши ва шу йили ҳаво ҳарорати юқори бўлганлиги оқибатида дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи меъёр атрофида бўлган.

Писком дарёси ҳавзасида атмосфера ёғинлари меъёрдан кўп бўлган йилларда гидрологик қурғоқчилик умуман кузатилмаган. Лекин, 1972, 1985, 1990, 1992-1995, 1998 ва 2005 йилларда сув ресурслари тақчиллиги кузатилган. Мазкур йилларда атмосфера ёғинларининг меъёрдан кўп бўлиши гидрологик қурғоқчилик келиб чиқишининг олдини олган. Бошқача айтганда, сув ресурслари тақчиллиги кузатилган йилларда ҳар доим ҳам гидрологик қурғоқчилик бўлмайди. Ушбу фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, гидрологик қурғоқчиликни бутун бир дарё ҳавзаси учун тавсифлаш ўринли бўлади. Сув ресурслари тақчиллиги эса маълум бир дарё учун характерлидир.

Юқоридаги фикрларни асослаш мақсадида Чирчиқ ҳавзаси учун гидрологик қурғоқчилик кузатилган дарёлар сони (N)нинг йиллараро ўзгариши таҳлил қилинди (3-расм).



3-расм. Чирчиқ ҳавзасида гидрологик қурғоқчилик кузатилган дарёлар сони (N) нинг йиллараро ўзгариши

Рис. 3. Многолетние изменения число рек (N) бассейна Чирчика, в водосборах которых наблюдались гидрологическая засуха

Fig. 3. Long-term changes in the number of rivers (N) in the Chirchik basin, in the catchment areas of which hydrological drought was observed

Ушбу график таҳлилининг кўрсатишича, атмосфера ёғинлари меъёрдан (865 мм) кам бўлган йилларда ҳавзада жойлашган 10 та дарёнинг ўртача 60 фоизида, яъни ҳар 6 тасида Γ_k катталиқ манфий қийматларга эга бўлган. Агар юқорида айtilган фикрларни инобатга олсак, Чирчиқ дарёси ҳавзасида 1967 (80 %), 1971 (60 %), 1974 (60 %), 1975 (70 %), 1976 (90 %), 1982 (80 %), 1983 (60 %), 1984 (100 %), 1986 (80 %), 1989 (70 %) ва 2013 (60 %) йилларда гидрологик қурғоқчилик кузатилган. Келгуси тадқиқотларда айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса.

1. Дарёларда кузатилган ўртача ойлик сув сарфларининг таъминланиши баҳоланди. Сув сарфлари эмпирик таъминланишининг 90% га тўғри келувчи чегара қийматлари асосида ҳар бир дарё учун сув ресурсларининг тақчиллиги микдорий баҳоланди. Натижаларнинг кўрсатишича, сув ресурслари тақчиллиги йил давомида 2-3 ой кузатилган. Дарёларда кам сувли йилларнинг чуқурлашуви оқибатида эса баъзан бу даврнинг узайганлиги аниқланди. Масалан, сув ресурслари тақчиллиги кам сувли 1986 йилда

Майдонтол дарёсида 3 ой, Чотқол, Писком ва Угом дарёларида эса 4 ой давом этган.

2. Сув ресурслари тақчиллигининг миқдорий қийматлари ҳисобланиб, улар асосида сув ресурслари тақчиллигининг чуқурлашувини ифодаловчи «SEV» катталиги аниқланди. Гидрологик қурғоқчиликни тавсифлашда ушбу катталик имкониятининг чекланганлигини инобатга олиб, ишда атмосфера ёгинлари индекси (*SPI*) нинг мутлақ қийматлари ҳисобланди.

3. Ҳисоблашлар натижалари статистик таҳлил қилиниб, дарёлар ҳавзаларида гидрологик қурғоқчиликни аниқлаш учун Γ_k гидрометеорологик катталик ва уни ҳисоблаш ифодаси тақлиф этилди.

4. Чирчиқ дарёси ҳавзаси учун қурғоқчилик кузатилган дарёлар сони (*N*)нинг йиллараро ўзгариши ўрганилди. Таҳлиллар натижасининг кўрсатишича, ҳавзада ўрганилган 52 йиллик давр мобайнида (1965-2016 йй.) Чирчиқ дарёси ҳавзасида 11 мартаба, яъни ўртача ҳар 5 йилда бир марта гидрологик қурғоқчилик кузатилган.

5. Умумий хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, метеорологик қурғоқчилик натижасида дарё ҳавзасида гидрологик қурғоқчилик шаклланади ва бунинг оқибатида ўрганилган ҳавза дарёларида кам сувли йиллар кузатилади. Кам сувлилик эса, ўз навбатида, сув ресурслари тақчиллигига олиб келади. Пировард натижада, иқтисодий тармоқларида қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий-иқтисодий қурғоқчиликлар намоён бўлади.

Миннатдорчилик. Муаллиф ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида зарур бўлган бирламчи гидрометеорологик маълумотларни тўплашда кўрсатган ёрдамлари учун Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази Гидрометфонди ходимларига ўз ташаккурини изҳор қилади.

АДАБИЁТЛАР

Агальцева Н.А., Пак А.В., Новикова В.А. Гидрологическая засуха в Узбекистане, анализ причин и возможности прогнозирования // Тр. НИГМИ. – Ташкент, 2010. Вып. 12 (257). – С. 55-63.

Алексеевский Н.И., Фролова Н.Л. Безопасность водопользования в условиях маловодий // Водное хозяйство России: проблемы, технологии, управление. – М.: 2011. № 6. – С. 6-17.

Ковалёв Ю.С., Мавлонов А.А. О проблеме маловодья в бассейнах рек Сырдарья и Амударья / Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2008. – С. 15-20.

Ольдеков Э.М. Зависимость режима р. Чирчиқ от метеорологических факторов // Тр. Метерол. отдела гидром. части в Туркестанском крае. – Ташкент, 1918. Вып. 89. – 83 с.

Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Х., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. – Тошкент: Университет, 2003. – 327 б.

Трубецкова М.Д. Особенности зонального стока рек бассейна Верхней Амударьи в маловодные и многоводные годы // Водное хозяйство России: проблемы, технологии, управление. – М.: 2012. №4. – С. 93-102.

Хикматов Ф.Х., Тургунов Д.М. Маловодные годы на горных реках, вопросы расчета их нормы и параметров углубления // Вестник НУУз. № 3/1. Естественные науки. – Ташкент, 2017. – С. 330-335.

Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: «VORIS NASHRIYOT», 2007. – 133 с.

Шульц В.Л. Реки Средней Азии. Л.: Гидрометеоздат, 1965. – 691с.

Dracup J.A., Lee K. S., Paulson E.G. On the statistical characteristics of drought events // Water Resour. Res. 1980. 16 (2). – PP. 289-296.

Drought characteristics and management in Central Asia and Turkey: FAO Waters Report. – 44. – Rome, Italy: FAO, 2017.

EDB (Eurasian Development Bank): Impact of Climate Change to water resources in Central Asia. – Almaty, Kazakhstan. – 44 p.

Fleig A.K., Tallaksen L.M., Hisdal H., Demuth S. A global evaluation of streamflow drought characteristics // *Hydrol. Earth Syst. Sci.* 2006. 10 (4). – PP. 535-552. <http://dx.doi.org/10.5194/hess-10-535-2006>.

Hannaford J., Lloyd-Hughes B., Keef C., Parry S., Prudhomme C. Examining the large-scale spatial coherence of European drought using regional indicators of precipitation and streamflow deficit // *Hydrol. Process.* 2011. 25 (7). – PP. 1146–1162. <http://dx.doi.org/10.1002/hyp.7725>.

Smakhtin V.U. Low flow hydrology: a review // *Journal of Hydrology.* 2001. 240. – PP. 147–186.

Shiklomanov A.I., Agaltseva N., Lammers R. Observed and projected hydrological changes in the Aral Sea basin. The AGU Meeting. San Francisco, USA, December 2008. – PP. 15-19.

Turgunov D.M., Khikmatov F.H. Estimation of the low-water norm in the mountain rivers of Central Asia // *European Sciences review.* Austria, Vienna. 2018. № 3-4. – PP. 101-105.

Van Loon A.F., Laaha G. Hydrological drought severity explained by climate and catchment characteristics // *Journal of Hydrology.* 2015. 526. – PP. 3-14.

Van Loon A.F., Van Lanen H.A.J. A process-based typology of hydrological drought // *Hydrol. Earth Syst. Sci.* 2012. 16 (7). – PP. 1915-1946. <http://dx.doi.org/10.5194/hess-16-1915-2012>.

Van Loon A.F., Tisdeman E., Wanders N., Van Lanen H., Teuling A., Uijlenhoet R. How climate seasonality modifies drought duration and deficit // *J. Geophys. Res.: Atmos.* 2014. 119 (8). – PP. 4640-4656. <http://dx.doi.org/10.1002/2013JD020383>.

White C.J., Tanton T.W., Rycroft D.W. The impact of climate change on the water resources of the Amu Darya Basin in Central Asia // *Water Resour. Manag.* 2014. 28. – PP. 5267-5281.

World drought management and mitigation assessment for Central Asia and the Caucasus. Phase 2. Country drought management and mitigation profile and strategy. – Tashkent, Uzbekistan: World Bank, 2006.

ГИДРОЛОГИЧЕСКАЯ ЗАСУХА В УЗБЕКИСТАНЕ И УСЛОВИЯ ЕЕ ФОРМИРОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ БАССЕЙНА РЕКИ ЧИРЧИК)

Д.М. ТУРГУНОВ¹

¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, turgunovd1987@gmail.com

Аннотация. В статье раскрыта сущность понятия засуха и значение ее изучения. Даны сведения о видах засухи по ее происхождению. На основе нового научного подхода, на примере 10 горных рек и ручьев бассейна Чирчика, сохранивших естественный режим, предложен параметр, характеризующий гидрологическую засуху и дана формула ее вычисления. На основе результатов расчетов произведен статистический анализ лет с гидрологической засухой. Показана зависимость гидрологической засухи от метеорологической засухи, которая в свою очередь зависит от количества атмосферных осадков и температуры воздуха.

Ключевые слова: река, речной бассейн, атмосферные осадки, температура воздуха, метеорологическая засуха, расход воды, гидрологическая засуха, сельскохозяйственная засуха, социально-экономическая засуха.

HYDROLOGICAL DROUGHT IN UZBEKISTAN AND CONDITIONS ITS FORMATION (ON EXAMPLE OF THE CHIRCHIK RIVER BASIN)

D.M. TURGUNOV¹

¹ Hydrometeorological Research Institute, turgunovd1987@gmail.com

Abstract. The article reveals the essence of the concept of drought and the significance of its study. Information about the species according to the origin of drought is given. Based on a new scientific approach, using the example of 10 mountain rivers and streams in the Chirchik basin that have retained their natural regime, a parameter characterizing hydrological drought is proposed, and a formula for its calculation is given. Based on the calculation results, a statistical analysis of years with hydrological

drought was carried out. The dependence of hydrological drought on meteorological drought, which in turn depends on the amount of atmospheric precipitation and air temperature, is shown.

Key words: *river, river basin, atmospheric precipitation, air temperature, meteorological drought, water discharge, hydrological drought, agricultural drought, socio-economic drought.*

REFERENCES

Agalseva N.A., Pak A.V., Novikova V.A. Hidrologicheskaya zasuxa v Uzbekistane, analiz prichin i vozmojnosti prognozirovaniya [Hydrological drought in Uzbekistan, analysis of the causes and possibilities of forecasting] // Trudi nauchno-issledovatel'skogo gidrometeorologicheskogo instituta, 2010. – Tashkent: Vip. 12 (257). – S. 55-63. (in Russian)

Alekseyevskiy N.I., Frolova N.L. Bezopasnost vodopolzovaniya v usloviyax malovodiy [Safety of water use in low water conditions] // Vodnoye xozyaystvo Rossii: problemi, texnologii, upravleniye. – M.: 2011. № 6. – S. 6-17. (in Russian)

Kovalyov Yu.S., Mavlonov A.A. O probleme malovodya v basseynax rek Sirdari i Amudari [On the problem of low water in the basins of the Syrdarya and Amudarya rivers] // Materiali Respublikanskoj nauchno-prakticheskoy konferensii. – Tashkent: GIDROINGEO, 2008. – S. 15-20. (in Russian)

Oldekop E.M. Zavisimost rejima r. Chirchik ot meteorologicheskix faktorov [The dependence of the r. Chirchik from meteorological factors] // Tr. Meterol. otdela gidrom. chasti v Turkestanskom kraje. – Tashkent, 1918. – Vip. 89. – 83 s. (in Russian)

Rasulov A.R., Xikmatov F.X., Aytboyev D.P. Hidrologiya asoslari [Fundamentals of Hydrology]. – Toshkent: Universitet, 2003. – 327 s. (in Uzbek)

Trubetskova M.D. Osobennosti zonalnogo stoka rek basseyna Verxney Amudari v malovodnie i mnogovodnie godi [Peculiarities of the zonal runoff of the rivers of the Upper Amu Darya basin in dry and high water years] // Vodnoye xozyaystvo Rossii: problemi, texnologii, upravleniye. – M.: 2012. №4. – S. 93-102. (in Russian)

Xikmatov F.X., Turgunov D.M. Malovodnie godi na gornix rekax, voprosi rascheta ix normi i parametrov uglubleniya [Shallow years on mountain rivers, issues of calculating their norm and deepening parameters] // Vestnik NUUz. № 3/1. Yestestvennie nauki. – Tashkent, 2017. – S. 330-335. (in Russian)

Chub V.Ye. Izmeneniye klimata i yego vliyaniye na gidrometeorologicheskiye protsessi, agroklimaticheskkiye i vodnie resursi Respubliki Uzbekistan [Climate change and its impact on hydrometeorological processes, agro-climatic and water resources of the Republic of Uzbekistan]. – Tashkent: «VORIS NASHRIYOT» MCHJ, 2007. – 133 s. (in Russian)

Shuls V.L. Reki Sredney Azii [Rivers of Central Asia]. – L.: Gidrometeoizdat, 1965. – 691 s. (in Russian)

УДК: 551.311.8+556.5.06

**ИХНАЧ КЎЛЛАРИ ЭҲТИМОЛИЙ СУВ ТОШҚИНИНИНГ
ВАҚТ ВА ҲУДУД БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШИНИ БАҲОЛАШ****Д.М. ЖУНСАЛИЕВ¹, Ғ.Ў. УМИРЗАҚОВ^{2,3*}, А. ЧИКОЙРА⁴, Т.Ю. САБИТОВ²,
Э.Р. СЕМАКОВА⁵, Ҳ.А. МАМИРОВ⁶**¹ Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси, d.junsaliev@gmail.com² Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, g.umirzakov@gmail.com, tim7en@gmail.com³ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти⁴ Швейцариянинг Цюрих университети, alessandro.cicoira@uzh.ch⁵ Улуғбек номидаги Астрономия институти, ella9sem@gmail.com⁶ Х.М.Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти, hmamirov@inbox.ru

Аннотация. Мақолада табиий хавфли жараёнларни ўрганувчи махсус дастурда Тошкент вилоятининг Писком дарёси ҳавзасида жойлашган Катта Ихнач ва Куйи Ихнач кўлларида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини оқимининг динамик симуляцияси ишлаб чиқилган. Тадқиқотда сув тошқини потенциал хавфининг аҳоли яшаш ҳудудлари ва муҳандислик иншоотларига таъсири баҳоланган.

Калит сўзлар: тоғ кўллари тўғонининг ўтирилиши, сел тошқини, гидродинамик симуляция, муҳандислик муҳофаза иншооти, рельефнинг рақамли модели, RAMMS дастури.

Кириш. Ўрта Осиё кўллари жойлашган ўрнига боғлиқ ҳолда уч гуруҳга: тоғ кўллари, тоғ олди кўллари, текислик кўлларига бўлинади. Кўллари мазкур гуруҳларга ажратишда уларнинг баландлик минтақалари бўйича жойлашиши эътиборга олинган [Расулов и др., 2003]. Жумладан, океан сатҳидан 500 метргача баландликда жойлашган текислик кўллари, 500-1000 метр баландликдаги тоғолди кўллари ва 1000 метрдан баландда жойлашган тоғ кўллари сифатида қабул қилинган. Демак, тоғ кўллари деганда, минтақа тоғларида 1000 метрдан баландда жойлашган кўллар тушунилади.

Ўзбекистон тоғ кўллари каталогини яратиш охирги марта 1999-2000 йилларда Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ҳозирги вақтда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти) олимлари томонидан амалга оширилган. Мазкур ўрганишлар натижасида Ўзбекистон ҳудудини ўраб турган тоғларда уч юз элликка яқин тоғ кўллари мавжудлиги ва улардан қарийб уч юзтаси морена кўллари эканлиги аниқланган [Муракаев и др., 2004].

Ўзбекистонда ҳалокатли сув тошқини зоналарида республика, вилоят ва туман аҳамиятига эга 87 шаҳар, 200 га яқин аҳоли яшаш пунктлари мавжуд бўлиб, мазкур ҳудудларда 3,5 млн.га яқин аҳоли яшайди [РКООНИК, 2008]. Табиийки, тоғли ҳудудларда жойлашган кўллар тоғ олди ҳудудидаги аҳоли яшаш пунктларига, гидротехник иншоотларга ва бошқа иқтисодий объектларга хавф-хатар туғдиради. Сирдарё ҳавзасидаги Чирчиқ дарёси ирмоқларнинг юқори оқимида бир қанча тоғ кўллари мавжуд. Жумладан, Писком дарёси ҳавзасида тўпланган сув ҳажми бўйича энг катта кўллар сирасига кирувчи Ихнач кўлларида юзага келадиган эҳтимолий сув тошқинининг потенциал хавфини ўрганиш юқорида келтирилган муаммонинг ечимини топишга имкон беради [Глазырин и др., 2012].

Ҳозирги кунда кўпгина давлатларда махсус компьютер дастурларида маҳаллий ва минтақавий сел оқимлари ва сув тошқинларини моделлаштириш ва уларнинг хавф-

* Масъул муаллиф: g.umirzakov@gmail.com, тел.: +998 97 401-02-83

хатарларини ГАТ (Географик ахборот тизимлари) асосида баҳолашнинг замонавий тизими ишлаб чиқилган [Пьянков и др., 2017]. Жумладан, Швейцария, АҚШ ва Канада каби давлатларда иқлим ўзгариши таъсирида ўпирилиш мумкин бўлган тоғ кўллариининг потенциал хавфини прогноз қилиш мақсадида кўп йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [Konvalov, 2009].

Табиий офатлар оқибатини юмшатиш ва талофат миқдорини камайитириш борасида, айниқса, турли кўчкилар, сув тошқини ва сел оқимларинининг динамикасини симуляция қилишда махсус моделларга катта эҳтиёж сезилади. Махсус моделлар кўпинча ушбу жараён натижасида юзага келадиган хавф-хатарларнинг таъсир доирасини баҳолаш учун ишлатилади ва оқибатларини юмшатишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ахборот манбаи сифатида хизмат қилади. RAMMS дастурий таъминот тўплами ана шундай технологик модулларни ўзида жамлаган дастурлардан ҳисобланади [SLF]. Ушбу дастур Швейцариянинг Давос Дорфдаги Қор ва кўчкилар тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан йиллар давомида ўтказилган тажрибалар ва илмий изланишлар натижасида яратилган.

Ишининг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг мақсади Писком дарёси ҳавзасида жойлашган Ихнач кўлларида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқинининг аҳоли яшаш ҳудудлари ва муҳандислик иншоотларига потенциал хавфини баҳолашдан иборат. RAMMS дастурида Ихнач кўлларида юзага келадиган сув тошқинининг оқим динамикасини симуляция қилиш тадқиқот ишининг вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот иши объекти сифатида Писком дарёси ҳавзасидаги Катта Ихнач ва Қуйи Ихнач кўллари танлаб олинди (1-расм). Мазкур кўллариининг эҳтимолий сув тошқинини гидродинамик симуляциясини RAMMS дастурида моделлаштириш ишлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.


Тадқиқот усуллари. Кўллариининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлашда соҳанинг етакчи олимлар томонидан эълон қилинган илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланилди. Рельефнинг рақамли моделини (DEM – *Digital elevation model*), аэровизуал фототасвирлар, топографик карталарни яратиш ҳамда таҳлил қилиш ишлари QGIS (*Quantum Geographic Information System*) дастурида бажарилди. Тошқин сувининг гидродинамик симуляцияси RAMMS дастуриининг Debrisflow модулида амалга оширилди.

Бирламчи маълумотлар. RAMMS дастурий таъминот тизими учта симуляция модулини ўзида жамлаган: 1) *Ramms::Avalanche* → қор кўчкиси, 2) *Ramms::Debrisflow* → сел оқими, 3) *Ramms::Rockfall* → қаттиқ тоғ жинслари (тош) кўчиши. Ушбу дастурий таъминот модулларида гидрологик ва геологик жараёнларнинг симуляциясини моделлаштириш мумкин. Сув тошқинининг гидродинамик симуляцияси *Debrisflow* модулида амалга оширилади [Bartelt et al., 2017]. Мазкур модул иккита энг асосий рақамли маълумотлар базаси билан ишлайди, жумладан, (i) рельефнинг рақамли модели ва (ii) морфометрик маълумотлар (кўрсаткичлар). Дастурнинг морфометрик маълумотлари кўлнинг ҳажми, чуқурлиги, дарё ўзанидаги эрозияга мойил майдоннинг параметрлари, тошқин суви таркибидаги жинсларнинг механик параметри (ξ (X_i) м/с²), суюқликнинг ишқаланиш коэффициентини (μ (M_n)) ва бошқалардан иборатдир [SLF]. RAMMS дастурида сув тошқини симуляцияси орқали қуйидагиларни аниқлаш мумкин: (i) сув тошқинининг етиб бориш масофаси ва вақти; (ii) сув тошқин майдони бўйлаб исталган жойдаги сувнинг сатҳи, тезлиги ва босими; (iii) геологик ва геотехник билимлар (маълумотлар)га таянган ҳолда тоғ кўллари тўғонининг ўпирилиш сценарийлари; (iv) тоғ кўллари тўғонининг ўпирилиш сценарийларини моделлаштириш; (v) ҳудуд бўйича чекланган маълумотлар билан ҳам сув тошқини хавфи харитасини ишлаб чиқиш.

Сирдарё ҳавзасида жойлашган Писком дарёси ҳавзасидаги кўлларнинг сони 110 тани (умумий майдони $1,8 \text{ км}^2$), шундан 35 таси ($1,5 \text{ км}^2$) кулама тўғонли кўллар ва 75 таси морена ва музлик кўлларни ($0,3 \text{ км}^2$) ташкил этади. Кичик кўллар (2000 м^2 дан кам) барча кўлларнинг 45% ни ташкил қилади. Музлик кўлларнинг асосий қисми (68%) 3400-3700 м, кулама тўғонли кўллар эса (11%) 2300-2700 м баландликда жойлашган [Semakova & Semakov, 2017].

Писком дарёси ҳавзасининг энг йирик кўллари Шовурқўл, Катта Ихнач, Қуйи (ёки Кичик) Ихнач ва Кўксу кўллари ҳисобланади. Мазкур дарё ҳавзасида Катта Ихнач кўли жиддий эътибор талаб қилади, чунки бу ерда сўнгги йилларда тўғон танасида доимий равишда янги чуқурликлар ва ювилишлар кузатилмоқда. Айниқса, июль-август ойларида ҳавзада қор ва музликларнинг интенсив эриши натижасида кўлда максимал сув сатҳи кузатилади (1-расм). Кўл тўғони ёғингарчилик миқдорининг меъёрдан ортиқ ёғиши, кўчки оқибатида ёки эҳтимолий кучли zilzila вақтида тўғон танасидан сув массасининг сизиб чиқиши натижасида ўпирилиб кетиши мумкин [Глазырин и др., 2012].

Тоғ кўлларининг, хусусан, музлик кўлларнинг сув сатҳи йил фаслларида ёки йилдан-йилга сезиларли даражада ўзгаради. Хусусан, Ихнач кўллари сув сатҳи ва майдонининг мавсумий ўзгаришини 1-расмда кузатиш мумкин. Бу ерда йилнинг киш ва ёз ойларида сув сатҳининг динамик ўзгариши дарё ва сойларнинг гидрологик режими ва музликларнинг эриш даври билан боғлиқ ҳисобланади.



1-расм. Катта Ихнач ва Қуйи Ихнач кўлларидаги майдонининг мавсумий ўзгариши [Petrov et al., 2017]

Рис. 1. Сезонное изменение площади озер Большой Ихнач и Малый Ихнач [Petrov et al., 2017]


Fig. 1. Seasonal changes of the areas of the lakes of Great Ikhnach and Small Ikhnach [Petrov et al., 2017]

Кўлнинг сув балансини ҳисоблаш тўғон танасидан фильтрация бўладиган сув сарфининг интенсивлигини аниқлаш имконини беради. Бу кўлдаги сув сатҳининг ўзгариш кўрсаткичлари билан тўғон устидан оқётган сув сарфини ҳисоблаш ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, Катта Ихнач кўлидаги сувнинг ҳарорати ва оқими тўғрисидаги

маълумотлардан фойдаланган ҳолда морена музлигининг эриш тезлигини ҳам тахминий баҳолаш мумкин [Глазырин и др., 2012].

Катта Ихнач (максимал чуқурлиги 52 м) ва Қуйи Ихнач (максимал чуқурлиги 21 м) кўллари умумий сув ҳажми 5,5 млн. м³ ни ташкил этади. Катта Ихнач кўли (тўлик тўлганда) қуйидаги морфометрик кўрсаткичларга эга: юза майдони – 0,33 км², ҳажми – 4,8 млн. м³, узунлиги – 1,52 км, ўртача чуқурлиги – 14,5 м, максимал чуқурлиги эса – 52 м, сув йиғиш майдони – 37,2 км² ни ташкил этади [Petrov et al., 2017]. А.М.Никитин ва В.П.Пушкаренинг умумий хулосалари бўйича Катта Ихнач кўлининг тўғони тоғнинг чап ён бағридан юзага келган кўчки натижасида ҳосил бўлган. Қуйи Ихнач кўли морена ортидаги музликнинг чекиниши натижасида ҳосил бўлган бўлиб, асосан юқорида жойлашган кўл тўғонидан фильтрация бўлган сувлар ҳисобига тўйинади. Қуйи Ихнач кўлидан оқим очик ўзан орқали чиқади. Катта Ихнач кўли тўғони бўйлаб кенлиги 10 м гача ва чуқурлиги 3 м гача бўлган оқим майдони мавжуд бўлиб, у орқали юқори кўлдаги сув пастки кўлга қараб оқади ва бу юза оқим фақат юқори кўл деярли тўлик тўлганда кузатилади [Глазырин и др., 2012].

Катта Ихнач ва Қуйи Ихнач кўллариининг дарё ҳавзаси рельефининг рақамли модели USGS (*The United States Geological Survey*) сайтидан Sentinel-1 ва NASA (*National Aeronautics and Space Administration*)нинг ALOS POLSAR сунъий йўлдошлари маълумотлар базасидан юклаб олинди. Рельефининг рақамли модели QGIS дастурига юкланиб, маълумотлар мазкур дастурда қайта ишланди (2-расм).




2-расм. Ихнач кўллари ҳавзаси рельефининг рақамли модели [ASF]

Рис. 2. Цифровая модель рельефа бассейна Ихначских озер [ASF]

Fig. 2. Digital elevation model of the Ikhnach lakes basin [ASF]

Тадқиқот ишида RAMMS дастурига қуйидаги морфометрик маълумотлар киритилди: рельефининг рақамли моделининг аниқлик масофаси – 50 м, тошқин сувининг умумий ҳажми – 5,5 млн. м³, эрозия майдони – 1600 м × 1,5 м, тошқин суви таркибидаги жинсларнинг механик параметри ξ – 1000 м/с², суюқликнинг ишқаланиш коэффициенти μ – 0,05, маълумотларни сақлаш частотаси – 400 сек.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ихнач кўллариининг эҳтимолий сув тошқинини RAMMS дастуриининг *Debrisflow* модулида симуляцияси натижаси (3-расм) бўйича қуйидаги кўрсаткичлар олинди: (i) сув тошқинининг ГЭС ҳудудига етиб




3-расм. RAMMS дастурида Ихнач қўлларининг эҳтимолий сув тошқини симуляцияси: Тошқин сувининг i) Писком дарёсига қуйилиши; ii) Писком дарёси бўйлаб оқиши; iii) қурилайётган ГЭС худудига етиб бориши; iv) Писком дарёсининг Чорвоқ сув омборига қуйилиш қисмига етиб бориши

Рис. 3. Вероятностное моделирование паводка на озерах Ихнач в программе RAMMS: поток паводковой воды i) впадение в реку Пскем; ii) течение вдоль реки Пскем; iii) достижение территории строящейся ГЭС; iv) достижение части реки Пскем, впадающей в Чарвакское водохранилище

Fig. 3. Probabilistic modeling of the flood on the lakes of Ikhnach in the RAMMS program: flood water flow i) confluence with the Pskem River; ii) flow along the Pskem River; iii) reaches the territory of the hydroelectric power plant under construction; iv) reaches the part of the Pskem River that flows into the Charvak Reservoir

келиш вақти – 6000 сек \approx 1,66 соат; (ii) тошқин сувининг ГЭС худудидаги максимал сув сарфи – 410 м³/сек; (iii) ГЭС худудидаги тошқин сувининг баландлиги – 1,2 м (4-расм); (iv) Катта Ихнач ва Қуйи Ихнач қўлларида ГЭС худудигача бўлган масофа – 33750 метр.



4-расм. Писком ГЭС худудида сув тошқинининг баландлиги ва сув сарфи графиги


Рис. 4. График уровня паводка и расхода воды на территории Пскемской ГЭС

Fig. 4. Graph of flood height and discharge in the territory of the HPP Pskem

Олинган натижалар Катта Ихнач ва Қуйи Ихнач қўллари эҳтимолий сув тошқинининг аҳоли яшаш худудига потенциал хавф-хатари мавжуд эмаслигини кўрсатади. Боиси, Писком дарёсининг изогипсларда ифодаланган топографик картасида дарё ўзани қирғоғига энг яқин бўлган аҳоли яшаш пункти (Беш-кулча) денгиз сатҳидан 800-900 м дан баландда жойлашганини кўриш мумкин (5-расм). Сув тошқини Писком дарёсининг Чорвоқ сув омборига қуйилиш қисмига \approx 4 соат (14800 сек)да етиб бориши аниқланди (4-расм). Катта Ихнач ва Қуйи Ихнач қўлларида Писком дарёсининг Чорвоқ сув омборига қуйилиш қисмигача бўлган масофа 53900 м ни ташкил этади. Лекин, катта Ихнач ва Қуйи Ихнач қўлларида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини Писком дарёси ҳавзасида қурилатган ГЭС ва унинг муҳандислик инфратузилмалари мустаҳкамлигига ҳамда уларни эксплуатация қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун сел тўхтатувчи гидротехника иншоотларини лойиҳалашда RAMMS дастурида моделлаштирилган тошқин сувининг кўрсаткичларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Эҳтимолий сув тошқинининг дастлабки натижаси бўйича дастур имкониятлари таҳлил қилинди ва дастурга боғлиқ бўлмаган, аммо симуляция сифатига таъсир этувчи рельефнинг рақамли моделини олишда техник муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди. Яъни, ҳозирги вақтда юклаш имкони мавжуд бўлган очик манбалардаги рельефнинг рақамли моделини аниқлик даражаси 12,5 м ни ташкил этади (2-расмга қаранг). Бу эса, тадқиқот объекти бўлган тоғ қўллари ҳавзасидаги дарё ўзанининг эни 12,5 м дан кам бўлган айрим жойларда сув тошқини симуляцияси кўрсаткичларининг ишончли бўлишига салбий таъсир кўрсатади. RAMMS дастурининг *Debrisflow* модулида тоғ қўллари

тўғонининг ўпирилиши натижасида юзага келадиган сув тошқини потенциал хавфини баҳолашда қуйидаги имкониятларга эга, яъни: (1) тошқин сувининг етиб бориш масофаси (худудини), вақт бўйича маълумотларни кўрсатиб беради; (2) сув тошқини майдони бўйлаб исталган жойдаги сувнинг сатҳи, сувнинг босими ва сувнинг тезлигини юқори аниқликда кўрсатади. Шу билан биргаликда мазкур дастур имкониятларининг чекланганлиги сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: (1) дастур фақат тоғ олди ва тоғли зоналарда жойлашган кўлларнинг эҳтимолий сув тошқинини симуляциясини кўрсатиб беради; (2) дастур ёгингарчилик бўйича маълумотларни ҳисобга олмайди, яъни, сел тошқинларини симуляция қилишнинг имкони мавжуд эмас; (3) дарёнинг сув сарфини ҳисобга олмайди, яъни, рельефнинг рақамли модели дарё сувнинг юза қисмини шифрлаши натижасида дастур тошқин сувини дарё сувининг юза қисмидан моделлаштиради.



5-расм. Писком ГЭС ҳудуди ва Ихнач кўлларининг жойлашган ўрни [OSM]

Рис. 5. Географические положения Пскемской ГЭС и Ихначеских озер [OSM]

Fig. 5. Geographical location of Pskem HPP and the Ikhnach lakes [OSM]

Хулоса.

1. Тоғ кўлларида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқинининг етиб бориш масофаси ва вақтини аниқлаш орқали потенциал талофат худудларини хавфлилик даражаси бўйича зоналаштириш ва хавф-хатар харитасини тузиш имкони яратилди.

2. Тоғ кўлларида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини майдони бўйлаб исталган жойдаги сувнинг сатҳи, сувнинг босими ва сувнинг тезлигини аниқлаш орқали муҳандислик муҳофаза иншоотларининг оптимал ечимларини танлаш, тоғолди худудларда ижтимоий, иқтисодий, сайёҳлик ва яқка тартибдаги аҳоли яшаш объектларини хавфсиз худудларда қуришни лойиҳалаштириш, шунингдек, уларни қуришда конструкцияларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари чегарасини белгилаш каби имкониятлар яратилди.

3. RAMMS дастурининг *Debrisflow* модулида Ихнач кўлларининг эҳтимолий сув тошқинини вақт ва худуд бўйича тарқалишини баҳолаш орқали юзага келиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва талофат миқдорини камайтириш

чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда қутқарув тузилмаларининг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилди.

Муаллифлар хиссаси. **Д.М. Жунсалиев:** мақола ғояси, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **Ғ.Ў. Умирзаков:** мақола ғоясини қўллаш, маълумотларни қайта ишлаш. **А. Чикойра:** дастурнинг қўлланилишида илмий маслаҳатлар бериш, мақола ғоясини қўллаш. **Т.Ю. Сабитов:** дастурда симуляцияларни ишлаб чиқиш, маълумотларни киритиш. **Э.Р. Семакова:** маълумотлар таҳлили, мақола ғоясини қўллаш. **Ҳ.А. Мамиров:** адабиётлар билан таъминлаш, мақола ғоясини қўллаш. Барча муаллифлар кўлэзманинг нашрга тавсия этилган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розиликларини билдирдилар.

Миннатдорлик. Ушбу мақола Адаптация фонди томонидан молиялаштирилган GLOFCA (Glacier lake outburst flow in Central Asia) халқаро илмий-амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Муаллифлар GLOFCA лойиҳасининг координаторлари (UNESCO) ва халқаро ҳамкорлари (Цюрих уриверситети)га ўз миннатдорчилигини билдиради.

АДАБИЁТЛАР

Глазырин Г.Е., Северский И.В., Хергет Ю., Касаткин Н.А. Исследование озер, погруженных оползнями и моренами на Западном Тянь-Шане. Вопросы Географии и Геоэкологии, Алматы. № 2. – 2012. – 53-61 с.

Муракаев Р.Р., Старыгин Г.Н., Шамсутдинов В.Н. Гляциальные озера в бассейнах рек, несущих воду на территорию Узбекистана. - Тр. НИГМИ. Вып. 3(248). – 2004. – 119-124 с.

Пьянков С.В. Геоинформационное обеспечение моделирования гидрологических процессов и явлений: монография / С.В. Пьянков, А.Н. Шихов; Перм. гос. нац. исслед. ун-т. – Пермь, 2017. – 148 с. http://gis.psu.ru/wp-content/uploads/2018/01/Pyankov_Shikhov_print_compressed.pdf

Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. – Тошкент: ЎзМУ. – 2003. – 328 б.

РКООНИК, 2008. Второе национальное сообщение Республики Узбекистан по Рамочной Конвенции ООН об изменении климата. Ўзгидромет. – 2008. – 198 с. https://unfccc.int/sites/default/files/resource/TNC_Uzbekistan_under_UNFCCC_rus.pdf?download

Konovalov V.G. Remote sensing monitoring of the outburst hazardous lakes in Pamir. Earth's Cryosphere. 13(4). – 2009. – PP. 80–89.

Bartelt P., Bieler C., Bühler Y., Christen M., Deubelbeiss Y., Graf Ch., McArdell B., Salz M., Schneider M. A numerical model for debris flows in research and practice. User Manual v1.7.0. Debris Flow. WSL Institute for Snow and Avalanche Research SLF. 2017 - 116 p. https://ramms.slf.ch/ramms/downloads/RAMMS_DBF_Manual.pdf

